## АНТИКА «ОВ»

*Бир сафар у ўғирликнинг бошқача йўлини тутди, яъни ит ўғирлаб сотишни одат қилди. Ит бўлганда ҳам ҳар қандай ит эмас, балки зотдорларини кўз остига олди. Шу мақсадда кучук боқиладиган уйларни пойлайдиган бўлди.*

9 бет

## ОДДИЙ ФИРИБГАР

*Аммо Акбар деганимиз ҳам анойи йигитлардан эмас экан. Обдон ўйлаб кўрди. Ахир ҳозирги пайтда ҳар қадамда фирибгарга дуч келиш мумкин. Анасхоннинг гаплари эса фирибгарликдан далолат бериб турибди.*

10 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 29-sentabr, №39 (768)





# Ҳаёт бўстонида боғбон муаллим

***Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Бу куннинг умумхалқ байрами ва дам олиш куни қилиб белгиланиши, ўқитувчилар ойлик маошининг оширилиши, маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ранг-баранг шакллари қўлланиши мамлакатимизда халқ таълимига нечоғли катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.***

Юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни бутун маърифатли дунё тан олди. Дастурга биноан таълимнинг яхлит, уч босқичли узлуксиз тизими яратилди. Бу тизимнинг асосий бўғини эса умумтаълим мактаблари ҳисобланади. Халқ таълими олдига қўйилган асосий вазифа — бу ақлан ва маънан етук, жисмонан соғлом, боқимандаликни ор биладиган, ўз Ватанига содиқ авлодни вояга етказишдир. Энг замонавий билимларни эгаллаган, эркин ва ижодий фикр юритадиган меҳнатсевар ёшлар орқалигина фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, иқтисодий ва илмий-интеллектуал соҳада ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила олиш мумкин. Ёшларга замонавий билимлар берадиган мактаблар ва педагогик жамоани шакллантирмай туриб биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлай олмаймиз.

Мамлакатимизда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" қабул қилингани бизнинг бу йўлда барча имкониятларни сафарбар этаётганимиздан далолат беради. 2004-2009 йилларда янгидан қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш режасига биргина Қашқадарё вилоятидан 932 та мактаб киритилган эди. Бу республикадаги энг катта кўрсаткичдир.

"...Ҳеч шубҳасиз, бугунги таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли кадрларни шакллантириш йўлида пойдевор бўлиб хизмат қилади", деган эди давлатимиз раҳбари. Бу сўзлар таълим масканлари қурилишида ҳам ўз исботини топди.

* * *

Устоз! Кекса-ю ёшнинг тилида ўзгача жаранглайди бу калом. Бу сўз замирида чексиз меҳр, ишонч бор. Болалик тасаввуримда абадий муҳрланиб қолган ўша меҳрибон, фидойи муаллимимиз мурғак шууримиз идрок эта олмайдиган илоҳий бир дунё билан бизларнинг ҳаёт-мамотимиз ўртасида гўё бир воситачидек эди. Кейинчалик синоатларга тўла, серғавғо ва айни чоғда мафтункор ҳаётнинг пасту баланд йўлларида турфа хил устозларни кўп ва хўп учратдик. Улардан қай бири бизга касбу ҳунарларни ардоқламоқни ўргатди, яна қайсилари бошқа фанлардан сабоқ берди.

Ўша биринчи муаллимим, содда, бир қадар қаттиққўл, айни дамда ғамхўр ва меҳрибон ўқитувчимиз меҳрини кейинчалик бошқа устозлар нигоҳидан ҳам изладим, бир умр қўмсадим.

Давлатимиз раҳбари бир нутқида "... агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир...", деган эди. Дарҳақиқат, ота-она фарзандни дунёга келтирса, устоз ва мураббийлар унинг илм олиб камол топишида раҳнамолик қилиб, улуғлик осмонига олиб чиқадилар. Шунинг учун ҳам "Устоз отангдек улуғ", дейишади.

/Давоми 5-бетда/

***Жорий йилнинг 27 сентябрь куни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги вазифалар ва эришилган натижалар сарҳисоби" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# Истеъмолчилар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Huquq»

Матбуот анжуманини Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси Акром Миразизов кириш нутқи билан очди. Маърузачи ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Федерация фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлардан бири Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг фаолияти, шунингдек, ташкилотнинг аҳоли ўртасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг кенг тарғиботи юзасидан олиб бораётган ишларидаги ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Марказий Кенгаши ҳамда "Адолат" социал демократик партияси билан иш юритишнинг янги усул ва услублари бўйича аниқ чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқилгани ва ҳамкорликдаги фаолиятнинг самаралари хусусида мутасадди идоралар ходимларининг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Мазкур семинар давомида жорий йилнинг ўтган даври сарҳисоби бўйича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси ўринбосари, ижрочи директори Акмал Эргашевнинг ҳам маърузаси тингланди.

Тадбир якунида маърузачилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.


**Обуна – 2012**

## Ҳурматли юртдошлар!

*2012 йилда ҳам **"HUQUQ"** газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.*



**ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!**

**НАШР ИНДЕКСИ — 231**

*Сирдарё вилоят прокуратураси органлари ҳудудда суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, қамоққа олинганларни сақлаш борасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган 8 ойда мазкур йўналишда ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш ҳақида 60 та тақдимнома киритилди, прокурор тақдимномалари ва қарорлари билан 27 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 34 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди.*

# Жиддий эътибор қаратилмоқда

**А.МУБАРАКОВ,**
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Вилоятдаги жазони ижро этиш манзил-колонияларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг сақланишида қонунларга риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказилиб, натижаси бўйича аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди, 2 нафар муассаса ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан муассаса мулкини талон-торож қилиш, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятларини содир этганлиги ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди. Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчиларнинг таъминланиши аҳволи текширилганда жиддий қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, С.Шодиев 77-сонли ЖИЭМК бухгалтери лавозимида ишлаб келиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган. Жумладан, у 4 нафар маҳкумнинг 935 377 сўм маблағини ундирувчиларга жўнатмасдан, расмий ҳужжат ҳисобланган бухгалтериянинг пул жўнатма реестрларини қалбакилаштирган ва ушбу пул маблағларини ўзининг яшаш манзилига ўтказиб талон-торож қилган.

С.Шодиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида Суд Департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг жойлардаги суд ижрочилари бўлимларида Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Текширишлар натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 35 та тақдимнома киритилиб, 21 нафар суд ижрочиси қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди, 18 нафари интизомий жавобгарликка, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 10 нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Хусусан, Оқолтин туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси И.Худойқулов суд қарорларига асосан ДТ "Халқ банки" Оқолтин туман филиали фойдасига 20 та фермер хўжаликларидан 279 млн. 777 минг сўмлик қарздорликни, 56 та ижро ҳужжати бўйича давлат фойдасига 10 млн. 52 минг сўмлик давлат божини, 16 та ижро ҳужжати бўйича давлат фойдасига 753 минг сўмлик маъмурий жарималарни, "Бахмаллик Исоқул бобо" хусусий корхонасидан 14 нафар фуқаролар фойдасига 5 млн. 47 минг сўмлик иш ҳақини ундириш чораларини кўрмаганлиги аниқланди.

Суд ижрочиси Д.Халмуратов эса "Гулистоннефтбазаси" давлат унитар корхонаси фойдасига 8 та фермер хўжаликларидан 86 млн. 691 минг сўмлик қарздорликни, 23 та ижро ҳужжати бўйича давлат фойдасига 4 млн. 659 минг сўмлик маъмурий жарималарни ундириш юзасидан қонунда белгиланган тартибда мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бормаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судида кўрилиб, И.Худойқулов ва Д.Халмуратовларга қонун доирасида жазо белгиланди.

Сайхунобод туман суд ижрочиси М.Юнусов эса ўз касбига хиёнат қилди. У фуқаро Ф.Бутунбоевнинг алимент тўловини камайтириш эвазига 100 минг сўмни пора тариқасида олганида ушланган. Шунингдек, унинг иш юритувидаги суд ижро ҳужжатлари ўрганилганда мансабига совуққонлик билан қараб келганлиги ҳам аён бўлди. 166,2 млн. сўмлик 405 та ижро ҳужжатининг ижросини таъминламаганлиги оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган. Суд ҳукми билан М.Юнусов айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

# Қонунийликни таъминлаш йўлида

*Жорий йилнинг бошидан буён Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилган 262 та тадбирлар натижасида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 194 та жиноят ва 68 та маъмурий ишлар қўзғатилди.*

**Улуғбек УМАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Самарқанд вилоят
бошқармаси бошлиғи

Солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш жинояти билан боғлиқ 14 та жиноят ишлари қўзғатилди. Шунингдек, ўзлаштириш ва растрата йўли билан етказилган 954 млн. сўмлик зарарларнинг 124,1 млн. сўми ундирилди.

Қонунбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган 895 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. 8 ҳолатда 330,2 млн. сўмлик товарларни четдан ноқонуний олиб кирилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида 70 та қонунбузарликлар аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича 20 та жиноят ва 50 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Айбдорлардан ноқонуний равишда муомалага киритилган 51258 АҚШ доллари, 370 евро, 168120 рубль, 101,1 млн. сўм ва 500 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган 54 та яширин цехлар фаолияти фош этилди. Шундан 40 та жиноят ишлари ҳамда 14 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 49945,7 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Шулардан, 13 ҳолатда ноқонуний равишда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, 22 та ҳолатда сифатсиз ёғ ишлаб чиқариш, 19 та ҳолатда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатлари содир этилган.

Акциз маркасиз алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритилиши билан боғлиқ 38 та қонунбузарликлар аниқланди. Қонунбузарлардан 22 та ҳолатда 11,9 млн. сўмлик спиртли ичимликлар, 16 та ҳолатда 5,9 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Нақд пул айланмаларини янада қисқартириш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида 25,3 млрд. сўмлик ноқонуний товар-пул айланмалари аниқланди, 20 та жиноят ва 1 та маъмурий иш қўзғатилди.

Ҳокимият ва бошқа муассасалар вакиллари томонидан содир этилаётган жиноятлар ва коррупцияга оид ҳолатларни фош этиш борасида 39 та қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, 5 та ҳокимият ходимига, 10 та банк ходимларига ва 41 та бошқа идора ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган шахсларни аниқлаш, уларга қонунда белгиланган тартиб, имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишлари натижасида бир нафар фуқаронинг фаолиятига қонуний тус бериш ва ишчи ўрни яратилишига эришилди.

Ноқонуний фаолият кўрсатаётган шахслар билан олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида 44 ишчи ўринлари яратилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам кўрсатишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Департаментнинг Оқдарё туман бўлимига юридик шахс ташкил этмасдан деҳқон хўжалигини ташкил этган М.Исмоилов паррандачиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат этган. Бўлим томонидан М.Исмоиловга ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг Лойиш филиалидан имтиёзли кредит олишга амалий ёрдам кўрсатилди.

# Гаагада 2–Молия симпозиуми

*Жорий йилнинг 14-15 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вакиллари Нидерландиянинг Гаага шаҳрида иккинчи молия симпозиумида иштирок этди.*

**Шахрух ТАШНАЗАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Халқаро алоқалар бўлими катта инспектори

Мазкур тадбир Голландия миллий полицияси томонидан АҚШнинг наркотикларга қарши курашиш Агентлиги билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Симпозиумда Ўзбекистон билан бир қаторда Австралия, Афғонистон, Бельгия, Германия, Қатар, Хитой, Колумбия, Қирғизистон Республикаси, Люксембург, Мексика, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия, АҚШ, Жанубий Корея каби жами 30 та давлатнинг наркотикларга қарши курашиш агентликлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга жалб этилган вакиллари иштирок этишди.

Ушбу симпозиумнинг асосий мақсади иштирокчи давлатларда наркотик моддалар савдосидан келиб тушган жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш аҳволи, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг замонавий услублари, мазкур соҳада молия институтларининг роли каби мавзуларда муҳокамалар ўтказиш, шунингдек, ноқонуний даромадларни легаллаштиришда пул ўтказиш хизматларидан фойдаланиш ёки моддий қимматликларни "Хавала" каби усул билан ўтказишдек альтернатив (муқобил) тизим ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлди.

Тадбирда жиноий даромадларни легаллаштиришни аниқлаш ва унинг олдини олишда юзага келаётган асосий муаммолардан бири моддий қимматликларни банкдан ташқари бўлган "Хавала" тизими орқали ўтказиш билан боғлиқ экани таъкидланди.

Симпозиум иштирокчилари, хусусан, Германия, Голландия, Хитой, АҚШ ва бошқа давлатлар вакиллари жўнатувчи, курьер ҳамда қабул қилувчи ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатларга асосланган мазкур пул ўтказиш хизмати тизимида нақд пул маблағлари айланмаси билан боғлиқ мураккабликлар юзага келаётгани ҳақида тўхталиб ўтишди.

Ўз навбатида Австралия, Афғонистон, Бельгия, Германия, Миср, Хитой, Колумбия, Мексика, Покистон, Панама, Перу, Россия каби давлатлар вакилларининг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маърузалари ҳам тингланди.

Муҳокамалар чоғида Ўзбекистон вакиллари томонидан ҳам республикамизда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши, шу жумладан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш соҳаларида қилинаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан изоҳлар берилди.

Симпозиум доирасида Европол — Европа иттифоқининг полиция хизматига таништирув сафари уюштирилди. Мазкур ташкилот биносида унинг директори Макс-Петер Ратцель билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда директор симпозиум иштирокчиларига ташкилотнинг терроризмга, ноқонуний қурол-яроғ, наркотик моддалар савдосига, болалар порнографияси ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасидаги фаолиятининг йўналишлари ҳақида маълумот берди.

# Доимо эътиборда

**_Бошқарма ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ тўловчиларни кўпайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортишнинг янги механизм ва каналларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, "хуфиёна" иқтисодиётга қарши курашиш борасида 2011 йилнинг 8 ойи давомида муайян ишлар амалга оширилди. Телевидение, радио, матбуот, шунингдек, учрашувлар ташкил қилиш орқали фуқароларни қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга даъват этишга алоҳида эътибор қаратилди._**

**Б.ЯКУБОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи

"Хуфиёна" иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган тадбирлар доирасида қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётганларнинг фаолиятига барҳам бериш, ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланиб қолмасдан ушбу фуқароларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, имкон даражасида фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринлари яратилиши учун лозим бўлган чоралар кўрилди. Натижада муқаддам ноқонуний фаолият юритган, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган хўжалик юритувчи субъектлардан 19 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, 103 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди.

Чунончи, Зарафшон шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган "Super Gold-Zarafshon" масъулияти чекланган жамиятига амалий ёрдам кўрсатиш натижасида жамиятда янгидан тикувчилик цехи ташкил этилиб, қўшимча 7 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича аниқланган жиноятларни содир этганлик сабабларини аниқлашга қаратилган тизимли таҳлил йўлга қўйилди. Бошқарманинг барча ҳудудий бўлимларида жойларда аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг кунлик таҳлил динамикаси ўрнатилди, ички назорат кучайтирилди. Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш сиёсатидан келиб чиқиб, асосий эътибор вилоятда хусусий секторнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилди.

Прокуратура органлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги ҳудудий бўлимларда тезкор-таҳлилий материаллар бўйича ўз вақтида ва қонуний қарорлар қабул қилинишида ижобий самара бермоқда.

Жиноятларни бевосита тезкор-таҳлилий йўллар билан аниқлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ишлари янада кучайтирилди. Ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирларда 158 та жиноят фош этилди. Бюджетга 5,9 млрд. сўм қўшимча маблағларнинг ҳисобланиши ва 2,7 млрд. сўм ундирилиши таъминланди.

Хорижий валютанинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш ишлари кучайтирилиб, валюта "қора бозор"ларида кенг қамровли тезкор тадбирлар ташкил қилинди, натижада 16 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 9 та жиноят ва 7 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 30,4 минг Қозоғистон тенгеси олиб қўйилди. Қизилтепа туманида яшовчи фуқаро Р.Остонов 600 АҚШ долларини Н.Эргашевага 1,5 млн. сўмга сотаётган пайтда ушланиб, ундан 9,5 минг АҚШ доллари олинди. Навоий шаҳрида яшовчи фуқаро Ў.Сайфуллаев 3 минг АҚШ долларини харидор Э.Турсуновга 7,1 млн. сўмга сотаётган вақтда ушланиб, ундан 3,8 минг АҚШ доллари олиб қўйилган.

Шу даврда жиноий даромадларни легаллаштиришга оид 3 та жиноят фош этилди.

Якка тартибда тадбиркор А.Базаров "Снежок" ва "Надежда Клора Плюс" МЧЖларни ташкил қилиб, маблағларни турли мақсадларда бошқа корхоналарга кўчириб, солиқ тўловларидан мавжуд бўлган 29,8 млн. сўм миқдоридаги қарздорликни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги аниқланган.

Коррупция ҳолатларига қарши курашиш бўйича ўтказилган тадбирларда хизмат ваколатларини суиистеъмол қилган 2 нафар ҳокимият, 12 нафар банк, 15 нафар бошқа назорат органлари ходимларига нисбатан 29 та жиноят иши қўзғатилди. Коррупциянинг ижтимоий хавфли кўриниши — порахўрликка қарши курашиш борасидаги тадбирларда 6 та жиноят фош этилди.

Навоий шаҳар ишлари бўйича суд ижрочиси Р.Холмуродов фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2010 йил 27 сентябрдаги жавобгар А.Исроиловани Навоий шаҳар Навоий кўчаси 49-а уй, 102-секцияси 2-хонасидан бошқа турар жой бермаган ҳолда мажбурий тартибда кўчириш тўғрисидаги ижро иши бўйича фуқаролик судининг ҳал қилув қарорини суд орқали бекор қилиб бериши ва олиб қўйилган мол-мулкини қайтариб бериши эвазига А.Исроилованинг қизи С.Исроиловадан 100 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далил билан ушланган. Албатта, бундай жиноят учун қонун айбдорларни кечирмайди.

Айниқса, тадбиркорларнинг қонуний фаолият кўрсатишига, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган суиистеъмолчиликлар, тамагирликларни фош этишга алоҳида эътибор қаратилиб, 10 та жиноят иши қўзғатилди. Департамент раҳбариятининг топшириғига кўра тадбиркорлик, ишлаб чиқариш билан шуғулланишга қарор қилган фуқароларга ёрдам бериш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, коррупция ҳолатларини фош этишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

"Ўзпайнет" МЧЖ қўшма корхонаси Навоий вилоят агентлиги мутахассислари Э.Тошназаров ва Э.Эшпўлатовлар "Grand-high Zarafshon" МЧЖ раҳбари М.Маджидовдан ноқонуний равишда "Пайнет" тармоғига қайта улаш эвазига товламачилик йўли билан 500 минг сўм олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Навоий минтақавий филиали мансабдор шахслари ўзаро тил бириктириб, "Каприз", "Кармана ором", "Осиё XXI аср" ва "Кармана бургутлари" корхоналари номига олинган кредитлар фоизларини қоплаш мақсадида топширилган жами 64 млн. сўмлик товар-моддий бойликларни талон-торож қилганликлари аниқланган.

"Хуфиёна" иқтисодиётга қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиб, 16 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 11,4 млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва ускуналар олинди. Чунончи, Хатирчи туманида яшовчи фуқаро Р.Жаниқулова ўз уйида яширин равишда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган пахта ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, ундан жами 954,4 минг сўмлик мойжовуз ускунаси, 128 кг чигит ва бошқа жиҳозлар ашёвий далил сифатида олинган.

Кармана туманида яшовчи фуқаро Ф.Азамов ўз уйида яширин равишда қўлбола усулда қалбаки акциз маркалари билан ёрлиқланган арoқ маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлиги фош этилди.

Накд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасига барҳам бериш юзасидан 42 та жиноят иши қўзғатилиб, 26,2 млрд. сўм ноқонуний накд пул айланмаси аниқланди. Навоий шаҳридаги "Savdo Tex Ta`minot" МЧЖ мансабдор шахслари 3,6 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар сотувидан тушган накд пул маблағларини банк муассасасига топширмасдан, бошқа мақсадларга ишлатиб юборганликлари маълум бўлди.

Товарларнинг ноқонуний импорти бўйича 6 та қонунбузилишлари аниқланиб, 49,6 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Ғиждувон туманида яшовчи С.Латифов ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган ва хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини фойда олиш мақсадида олиб кетаётганда ушланиб, ундан 41,7 млн. сўмлик импорт товарлар ашёвий далил сифатида олинган.

Этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш бўйича 15 та жиноят, 13 та маъмурий иш қўзғатилди. Жумладан, Учқудуқ туманидаги "Гўзал Марҳабо" хусусий фирмаси раҳбари М.Некова кирим ҳужжатлари бўлмаган 1,2 млн. сўмлик спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ундан спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олинган. Навоий шаҳрида яшовчи фуқаро П.Хўжақулова эса давлат рўйхатидан ўтмасдан, 1,8 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларини сотиш учун олиб кетаётганида қўлга тушди.

Таъкидлаш жоизки, барча тезкор-қидирув ва таҳлилий тадбирларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ва энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ваqонуний манфаатларини ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратилмоқда.

***

**_Истиқлолнинг илк йилларидаnoқ давлатимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришси борада улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун катта шарафга айланди._**

# Тинчлик-хотиржамлик гарови

**Ҳусан МЕЛИЕВ,**
Андижон ҳарбий прокурори ёрдамчиси
**Наргиза ХОЛМИРЗАЕВА,**
журналист

Айни пайтда, армиянинг нуфузи ошиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланди. Ота-оналар эса фарзандини ҳаёт мактаби аталмиш армияда хизмат қилишини, унинг ҳар томонлама чиниқиб, тобланиб, баркамол инсон бўлиб камолга етишини истамоқда.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари юртимиз сарҳадларини олдинги сафда туриб, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини қўриқламоқда.

Бу каби мард, жасур ўғлонлар учун ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратилган. Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматчилар оилаларини уй-жой билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги ҳарбий қисм хизматчилари оилалари учун замонавий усулда янги уй қуриб битказилди.

Байрам арафасида барча қулайликларга эга 48 хонадонли уй калитлари эгаларига топширилди. Айниқса, уйнинг бевосита ҳарбий қисм яқинида жойлашгани ҳарбий хизматчилар учун қўшимча қулайлик яратди. Оиласи, хонадонидан кўнгли тўқ кишининг ишида унум ва барака бўлади деб бежиз айтилмаган. Бу нақлни Ватанимиз посбонларининг эрта-ю кеч олиб бораётган масъулиятли жанговар хизматига қиёсласак бўлади.

— Шу сингари шинам ва чиройли уй соҳиби бўлишни ҳар ким орзу қилса керак деб ўйлайман. Юртбошимиз томонидан бизга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан бошимиз кўкка етди — дейди гуруҳ командири Нодирбек Маматқулов, — ушбу хабарни эшитгач нафақат биз, балки ота-оналаримиз қолаверса, қариндошлар ҳам хурсанд бўлишди. Оиламиз ёнимизда, фарзандларимиз учун барча шароитлар муҳайё. Уй ҳовлисида жойлашган болалар майдончасида турли туман атракционлар ўрнатилган. Унда ўйнаётган болажонларнинг шўх-шодон кулгуларини эшитиб, елкамга юклатилган вазифа нақадар масъулиятли эканлигига амин бўламан. Дунёда она, опа-сингилларимиз ва фарзандларимиз кулгусини эшитишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Бу эса тинчлик, тўкинлик ва фаровонликдан далолатдир.

Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳарбий қисм шахсий таркиби бор куч-ғайратини давлат чегарасида юз бериши мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олдини олиш, қўшни давлатда рўй бериши мумкин бўлган нотинчликнинг бизнинг ҳудудга ўтишига йўл қўймаслик бўйича жанговар вазифаларни шараф билан адо этиб келмоқда.

Ҳарбий қисмда давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан хамкорликлар яхши йўлга қўйилган. Доимий равишда жойларда фуқаролар билан йиғилишлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Шунингдек, чегара қўшинлари тизимидаги ҳарбий қисм қўмондонликлари томонидан ҳам МФЙ раислари, жамоатчилик тузилмалари посбонлари, мактаб директорлари, талабалар орасида "Огоҳлик — давр талаби", "Сезгирликни, ҳушёрликни ва огоҳликни ошириш", "Ўз уйингни ўзинг асра" каби тадбир ва учрашувлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳарбий прокуратура назорати остидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Вилоят прокуратураси ва ҳарбий прокуратуралар ҳамкорлигида "Саноат касб-ҳунар коллежи биносида ҳарбий хизматчилар турмуш ўртоқлари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Бўлиб ўтган ярмаркада Андижон гарнизонидаги ҳарбий хизматчиларнинг 72 нафар турмуш ўртоқлари иштирок этишди. Унда ҳарбий қисмдан 5 нафар аёл иш билан таъминланди. Ўтган давр мобайнида ўтказилган меҳнат ярмаркалари натижаси ўлароқ иш билан банд бўлмаган 38 нафар ҳарбий хизматчилар оилалари иш билан таъминланди.

Ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни мақсад қилган тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбийларимизга доимо матонат, шижоат, кучли ирода, мардлик ва садоқат ҳамиша ёр бўлсин деймиз.

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан соҳага доир жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Йилнинг ўтган даврида солиқ ва валютага оид 165 та жиноят ва 58 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 7846,5 миллион сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, шундан 2940,9 миллион сўми ундирилишига эришилди. Ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида олинган 294,3 миллион сўмлик ноқонуний муомалага киритилган товар ва моддий бойликларнинг 53,3 миллион сўмлиги сотилди ва пул тушумларининг давлат бюджетига ўтказилиши таъминланди.***

# Фаолиятингиз қонуниймИ?

**Жўрабек РАЖАБОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳар доим диққат марказимизда. Бу соҳада қонунда белгиланган тартибда текшириш ишлари олиб бормоқдамиз. Шу жараёнда 4294,3 миллион сўмлик ноқонуний накд пул айланмалари аниқланиб, натижаларига кўра 20 та жиноят иши қўзғатилди.

Бугун республикамизда тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар белгиланган. Ана шундай шароитда ҳам баъзи элдошларимизнинг яширин фаолият билан шуғулланишларини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Яширин иқтисодиёт мамлакатимиз равнақига зарар келтиради. Биз бунга қарши курашни янада кескинлаштирган ҳолда, тезкор таҳлилий ва қидирув ишларини амалга оширмоқдамиз. Бунинг натижасида 27 та ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, натижаларига кўра 23 та жиноят ва 4 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 34,9 миллион сўмлик ноқонуний ишлаб чиқарилган ва муомалага киритилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Валютага оид қонунбузарликларга қарши курашиш ходимларимиздан доимий сергаклик ва фаолликни талаб қилади. Бу борада ҳам қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Ана шундай тадбирлар жараёнида 59 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 43196 АҚШ доллари, 161090 Россия рубли, 197700 қозоқ тенгеси ва 70,8 миллион ўзбек сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг Хонқа туман бўлими ходимлари томонидан тезкор маълумотлар асосида Хонқа ва Ҳазорасп туманлари ҳудудида қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш билан шуғулланиб келаётган шахсларни аниқлаш юзасидан уюштирилган рейд-текширувида Ҳазорасп тумани "Овшар" қишлоғи "Жангиота" маҳалласида яшовчи фуқаро Ўктамбой Алламберганов Ҳазорасп туманидаги "Сайилхон-Пилигримм" номли аҳолига ёқилғи қуйиш шохобчаси олдида фуқаро Ш.Камоловга 3200 АҚШ долларини 7 млн. 888 минг сўмга сотган вақтда ушланиб, иш тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди. Ў.Аллабергановга нисбатан қонун талаблари асосида жиноят иши қўзғатилди.

Солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш фаолият кўрсатаётган ҳар бир юридик шахс зиммасида мажбуриятдир. Ушбу тўловларнинг мамлакат бюджетида тутган ўрни, аҳамиятини ҳис қилган ҳар қандай корхона раҳбари уни ўз вақтида тўлаб боришга ҳаракат қилади. Аммо беш қўл баробар эмас. Фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган баъзи бировлар мажбурий тўловларни тўлашдан қочишга ҳаракат қиладилар. Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилган тадбирлар жараёнида 11 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Давлат бюджетига маблағ тушириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 миллион сўмга ўсишига эришилди.

Фуқароларнинг республика ҳудудига сифат сертификатига эга бўлмаган, божхона масканларини четлаб олиб ўтилган товар-моддий бойликларини муомалага киритиш ҳолатлари ҳам учраб туради, албатта. Бунга қарши амалга оширилган тадбирларда 9 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Спиртли ичимликлар ноқонуний ишлаб чиқарилишининг, контрабанда йўллари билан олиб кирилишининг, акциз маркасиз, қалбаки акциз маркалар билан сотилишининг олдини олиш, бундай фаолият илдизини фош қилиш юзасидан қонун талаблари асосида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбирларимиз ўз самарасини бериб, 7 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди ва натижаларига кўра 6 та жиноят, 1 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди.

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилиниши муносабати билан ноқонуний фаолият юритаётган шахсларни фош этиш, уларни тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. 43 та хўжалик юритувчи субъект ва тадбиркорларга амалий ёрдам берилиши натижасида 189 та янги иш ўринлари очилиши таъминланди.

Тадбиркорликка доир қонунларни тарғиб қилиш юзасидан тушунтириш ва профилактика ишлари олиб борилмоқда. Йилнинг ўтган даврида ўтказилган 1700 дан зиёд ана шундай тадбирларимиз ўз самарасини беришига ишонамиз.

# Изчил тадбирлар самараси

**Отабек МАНИЯЗОВ,**
Чуст туман прокурори

***Кучли шахсларни тарбиялаш, энг аввало, жамиятда фуқароларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан бошланади. Ватанимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин тараққиёт тамойилларидан бири жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш этиб белгиланганлиги бежиз эмас. Юртбошимиз айтганидек, "Демократик жамият бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни - шахслараро, миллатлараро давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди".***

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг бош омили жамиятда ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва тинчликни таъминлаш ҳамда улар ўртасида кечадиган муносабатларнинг барқарор тизимини яратишдан иборат. Зеро, ҳуқуқ ва демократия, инсон ва ҳуқуқ ажралмасдир, улар бир-бирини тўлдириб туради. Истиқболини кўзлаган ҳар бир давлат шу боисдан ҳам инсонларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашга, ҳимоя қилишга алоҳида эътибор билан қарайди. Бироқ аҳоли ўзининг кафолатланган ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини ўқиб-ўрганмас, англамас экан, олиб борилаётган ҳуқуқий сиёсат жамиятимизда ўз самарасини бериши қийин кечадиган жараёнлардан бири бўлиб қолаверади. Шундай экан, бугун у ким бўлмасин, хоҳ мансабдор, хоҳ оддий деҳқон, ўзининг конституциявий ҳуқуқларини билиши, ўрганиши, ҳимоя қилиши лозим. Дарвоқе, ҳуқуқий демократик жамиятнинг мезони ҳам ким қонун билан ҳимоялана олиши ва лозим ҳолатда қонунни ҳимоя қила билиши билан ўлчанади.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"-ги Қонунида белгиланганидек, прокуратура органларининг фаолияти қонун устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Туман прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар ижобий ҳал этиб келинмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг 8 ойи давомида туман прокуратурасига фуқаро ҳамда юридик шахслардан 417 та ариза ва шикоят тушган бўлиб, улардан 134 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал этилди, шундан 48 таси қаноатлантирилди.

Фуқароларнинг 129 нафари шахсан туман прокурори томонидан, 24 нафари меҳнат жамоаларида, 11 нафари яшаш жойларида қабул қилинган. Бундан ташқари, туман прокуратурасига "007" рақамли ишонч телефони орқали келиб тушган мурожаатлар тўлиқ қаноатлантириб борилмоқда. Уларга амалий ёрдам берилмоқда.

Биргина 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратураси кўмаги билан 17 нафар хусусий тадбиркор томонидан бир нечта корхона, савдо шохобчалари, ишлаб чиқариш цехлари бунёд этилиб, 219 та қўшимча ишчи ўрни яратилишига эришилди. Шунингдек, вояга етмаганларга доир қонунчилик ижроси юзасидан ҳам мунтазам назорат олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган текширишлар давомида 6-сонли Олимпия заҳираларига ихтисослаштирилган спорт мактабида айрим ўқитувчилар томонидан қолдирилган дарс соатлари учун иш ҳақлари тўлаб юборилгани аниқланди.

Жами 16 нафар ўқитувчи ва мураббийларга бюджетдан 658.788 сўм миқдорида ортиқча ҳақ тўланган. Бу каби ҳолатларни бошқа бюджет муассасаларида ҳам кузатиш мумкин.

Бугун ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Шу маънода, туман прокуратураси коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнини доимий назоратга олган. 2010-2011 ўқув йилида тумандаги касб-ҳунар коллежларини 4059 нафар битирувчи тамомлаган бўлиб, жорий йилнинг 26 августига қадар улардан 1842 нафари иш билан таъминланган. 1073 нафари олий таълим муассасасига ҳужжат топширган, 16 нафари меҳнатга лаёқатсиз деб топилган. 989 нафари эса ишга жойлаштирилмасдан қолиб кетган. Жумладан, Чуст Тиббиёт коллежи битирувчиларидан 333 нафари ҳанузга қадар иш билан таъминланмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шуни афсус билан айтиш мумкинки, битирувчиларни иш билан таъминлашда кўзбўямачилик ҳолатлари мавжуд. Масалан, "Тошбижон Раҳимжонов", "Иброҳим Шерали ўғли", "Фозилбек Абдулхаев", "Ҳасанова Ҳуринисо", "Баликчи Абдуллажон", "Ал Мўмин Мирзо", "Уста Жўра Боймирза", "Иброҳим Шерали ўғли", "Сотимбой ота-2", "Наргиза Азиза Зиё", "Фирдавс" фермер хўжаликлари 2010 йилда тугатилган бўлса-да, улар томонидан 2011 йил июнь ойида 12 нафар тиббиёт коллежи битирувчисининг ишга қабул қилингани ҳақида буйруқ чиқарилган. Шунингдек, ишга қабул қилиш ваколати бўлмаган хусусий тадбиркорлар 11 нафар коллеж битирувчисининг ишга олингани тўғрисида ҳужжат расмийлаштиришган. Табиийки, ушбу буйруқлар ва меҳнат шартномаларида сана ва рақамлар қайд этилмаган.

Шунингдек, туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-умумтаълим мактаби томонидан 1 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилиб, меҳнат шартномаси тузилган, бироқ у иш билан таъминланмаган. Бундан ташқари, Чуст тиббиёт коллежининг 2 нафар битирувчиси Тўрақўрғон тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-Болалар поликлиникасига ишга жойлашганлиги ҳам ўз тасдиғини топмади. Бу каби ҳолатларни бошқа коллежлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтказилган текширишлар якуни бўйича мутасадди шахслар тегишли жавобгарликка тортилдилар.

Биз адолатни ҳар ишда мезон билиб, барча тизимларда ҳам шунга эришилиши учун юқоридаги каби қонунбузилишларга қарши курашиш йўлида изчил фаолият олиб боряпмиз.

# Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

# Ҳаёт бўстонида боғбон муаллим

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/



Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Киши қалбида миллатга, Ватанга муҳаббат, ўз тарихидан, аждодларидан фахрланиш ҳиссининг вужудга келишида ҳам устоз-мураббийларнинг беқиёс хизматлари бор. Зеро, барчамиз Ватанимизнинг бой тарихини ҳам, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини ҳам, миллатимизнинг гўзал тили ва адабиётини ҳам устозларимиз кўмагида ўрганганмиз. Ахир, Амир Темур, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари буюк сиймоларга ҳам ҳарф танитган, сабоқ берган, ана шундай даҳоларнинг дунёга довруғ солишига замин яратган ҳам устоз-мураббийлар эмасми?

Шу боис миллатнинг миллат, халқнинг халқ бўлиб шаклланишида беқиёс ўрин тутадиган устозлар олдида ҳамиша қарздор эканлигимизни сира унутмаймиз. Аслида устоз-мураббийлар ҳақида қанчалик кўп гапирсак, уларни қанча эъзозлаб, ҳурмат қилсак ҳам оз. Чунки энг содда нарсалардан тортиб, энг буюк кашфиётларнинг том маънода сабабчиси ҳам, аввало, оддий муаллим, устоз ва мураббийдир. Қолаверса, жамики соҳанинг ривожланиши учун пойдевор қўядиганлар ҳам улар.

Дунёда касблар кўп. Ҳамма соҳанинг ҳам ўша касб эгасигагина маълум машаққат ва қийинчиликлари бор. Ўз касбини севган ва унга масъулият билан ёндашган, бурчини сидқидилдан бажарган киши кўпчиликнинг назарига тушади, обрў-эътибор топади.

Чироқчи туманидаги 34-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Хадича Юсупова ўз меҳнати эвазига обрў-эътибор топган, эҳтиромга сазовор бўлган инсонлардан. Унинг болажонлар қалбига, онгу шуурига йўл топиш маҳорати ўзига хос.

— Бола тарбиясида хатога йўл қўйиш катта фожиаларга олиб келади, — дейди у биз билан суҳбатда.

— Тарбияда хатога йўл қўйдингизми, болани қайта тарбиялаш қурий бошлаган дарахтни қайта кўкартиришдан ҳам машаққатлироқ. Тўғри тортилмаган арра дарахтни қийшиқ кесади. Бир-бири билан келишолмайдиган ота-она ҳам боланинг нотўғри тарбияланишига сабаб бўлади. Биз бир нарсани унутмайлик, алоҳида олинган ҳар бир шахсда миллат яшайди. Орамизда борйўғи биргина "бетайин"нинг борлиги ҳам жамият учун кўплик қилади. Лоақал бир нафар ноқобил ҳам бўлмаслиги учун тарбия, тарбия ва яна тарбия ҳақида ўйлашимиз керак.

Шу боисдан ҳам мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, спорт базасини мустаҳкамлаш ва спортни ривожлантириш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимларини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш устувор йўналишлар қилиб белгиланган ва бу вазифа босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда.

* * *

— Ўқитувчилик фидойиликни талаб қиладиган касб, — дейди биз билан суҳбатда кекса педагог, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори, математика илмининг билимдони Раъно опа Содиқова. — Бу касбга юзаки, совуққонлик билан муносабатда бўлиш жиноят қилиш билан баробар. Шу боис ўқитувчиликка меҳр қўйганлар ва бу касбни қисмат деб билганлар ҳақиқий фидойи инсонлар саналади. Улар эл-юрт ўртасида эъзозланадилар, чунки улардан илм-маърифат зиёси таралиб туради.

Ҳа, бу жиҳатдан устоз гўёки ўз ҳарорати билан оламни иситиб, ўз нурлари билан мунаввар этиб турувчи қуёшга ўхшайди. У халқ боласини ўз фарзандидек кўриб, уларга меҳр улашади, таълим-тарбия беради. Зеро, болани шакллантириб вояга етказишни заргарлик касбига қиёслаш мумкин. Заргар қимматбаҳо буюмга авайлаб ишлов беради, нақшлар чизиб безайди, ёқут кўзлар ўрнатади. Юрак ҳарорати, кўз нури эвазига яралган буюм санъат асари даражасига етсагина инсон ақлини лол қолдиради, гўзалликка ошуфта дилларга ором беради. Бордию заргар ношуд бўлса-чи?

Ўқитувчи болага таълим-тарбия беришда заргарона йўл тутиши лозим. Уқувсиз заргар хатосини кейинги буюмда тузатиши мумкин. Аммо болага таълим-тарбия беришдаги уқувсизлик тузалмас хатони келтириб чиқариши аниқ. Шу боисдан таълим-тарбия ҳақида гап кетганда майда-чуйда, икир-чикирларга ўрин йўқ. Инсонни камолга етказиш билан (чунки инсон тафаккур эгаси ва бу Аллоҳ яратган ўзга на жонли, на жонсиз нарсаларда бор) қандайдир ниҳолни ўстириш тенг эмас. Агар тенг бўлганда Нуширавони Одилдек подшо ўғлини мактабга берар экан, "Жабри устод ота меҳридан афзал", деб фарзанди ҳар лаҳза кўрадиган тахтачага ёзиб қўймаган бўлар ёхуд ота-боболаримиз фарзандини илм ва ҳунар ўрганиш учун устоз (ўқитувчи, мураббий)га топширар экан "Эти сизники, устихони меники", демаган бўларди.

Бу ерда болани азобла, жазола, калтакла деган фикр йўқ, балки илм олиш игна билан қудуқ қазишдек қийин деган мақолда ифодаланганидек, кўпроқ ўргат, талаб қил, машаққат чекиб илм йўлида озиб кетса ҳам, қийналса ҳам биз розимиз деган чуқур маъно бор. Бу узоқ аждодлар ўгити.

Аммо бу ўгитни тушунгунча, ота-оналар ишончини, талаба (шогирд, ўқувчи)лар муҳаббатини қозонгунча ўқитувчи (мураббий, устоз)да муҳим бир хислат бўлмоғи лозим. Бу — болаларга, ёшларга чексиз меҳр, муҳаббат. Уларни болам, укам, синглим деб қабул қила оладиган эътиқод. Мен улуғ аждодларим буюк авлодларининг илм олиши, тарбияли бўлиши, касб ўрганиши учун масъулман деган ишонч, масъулият бўлиши шарт. Ана шу ишонч, масъулиятни ҳис этмаган, англамаган киши ўқитувчилик (мураббий, устозлик)ка нолойиқдир.

Бугун таълим-тарбияга, ёшлар камолотига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилиб, кеча тушимизга ҳам кирмаган замонавий бинолар қурилиб, улар энг сўнгги русумдаги техника воситалари, ўқув жиҳозлари билан таъминланаётган бир пайтда малакали, фидойи ўқитувчи-мураббийларга эҳтиёж туғилмоқда. Ҳозирги шароит, ҳозирги эътибор ва имкониятлар пайтида илм даргоҳи остонасига касбгагина эмас, касб туфайли болага, шогирд (ўқувчи, талаба)га меҳр-муҳаббат қўймай таълим даргоҳига қадам босиш гуноҳ. Чунки тақдири, келажаги сенинг қўлингда бўлган авлод олдига кириш, уларга ҳаёт завқи-ю азобларини, яшаш, яратиш имкониятларини ўргатиш, олам сирлари-ю одам хислатларидан баҳраманд қилиш умумдавлат, умумхалқ, умумбашарият даражасидаги юксак масъулиятдир.

Биз келажаги буюк давлат барпо этаётган эканмиз, аввало, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан бири эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Табиийки, бу борадаги асосий масъулият устоз-мураббийлар, педагог-ўқитувчилар зиммасига тушади. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари олдида "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да белгиланган вазифаларни бажариш, таълимни янгилаш, келажаги буюк Ўзбекистонимиз учун маънавий-маърифий жиҳатдан камол топган, миллий онги уйғоқ, ўз халқи ва юртини юракдан севадиган, фидойи, малакали ёшлар ва мутахассисларни етиштириб беришдек улкан вазифани амалга ошириш масъулияти турибди. Сиз ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамларингиз билан табриклаш, зиммангиздаги масъулиятли, лекин шарафли вазифани муваффақиятли бажариб, Ватанимиз ва халқимиз олдида юзларингиз ёруғ бўлишини чин дилдан тилаш ҳар бир шогирдингизга насиб этсин!

Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим,

Агар ҳаёт карвон бўлса, сарбон муаллим.

# Устоздан ўрнак олдик

Феруза МАМЕДОВА,
ҳуқуқшунос

***Халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек, дунёда кўп нарса унутилади, аммо яхшиларнинг меҳри, улар олдидаги қарз унутилмайди. Шу ҳақда ўйлаганда ёдимга энг аввало, бизга ўқишни, ёзишни, илм сирларини ўргатган муаллимларимиз, ҳаётда тўғри йўл кўрсатган устозларимиз келади. Дарҳақиқат, биз улардан бир умр қарздормиз. Бу қарз бизни доим устозларни эъзозлашга, улар сабоқ берганидек, ҳар доим ҳаммага яхшилик қилишга ундаб туради.***

Мамлакатимизда ҳар йил кенг нишонланадиган "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" олдидан устозим Беруний туманидаги 1-сон (аввалги Навоий номли) ўрта мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, нафақахўр Марям опа Ражабова ҳақида ёзгим келди. Опа 70 ёшга кирган бўлса ҳам ҳали тетик, чеҳрасидан нур ёғилади. У 40 йилдан ортиқ ёшларга сабоқ берди.

... Ўшанда опанинг дарс ўтишига қойил қолардик. У киши нафақат инглиз тилининг нозик жиҳатлари, бой адабиётини ўргатибгина қолмай, балки дарсларни турмуш билан боғлаб олиб борарди. Айниқса, унинг маъмурий идора ходимларининг шарафли меҳнатлари тўғрисидаги қизиқарли ҳикоялари ҳанузгача менинг хотирамда муҳрланиб қолган. Қарангки, шу насиҳат, ўгитлар мени ҳуқуқшунослик касбини эгаллашга ундади. "Маъмурий идораларда ишловчиларнинг виждони зилол сувдек пок бўлмоғи шарт. Ҳар қандай вазиятда ҳам у адолат тарозисидан оғмаслиги лозим", дер эди устоз. Иш фаолиятимда бу ўгитлар бугун қўл келяпти.

Мана қанча сувлар оқиб кетди. Биз ўқувчилар ҳар тарафга учирма бўлдик. Устоз муаллимларимиз қўлида тарбия кўрган шогирдлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатларида ҳам самарали меҳнат қилишаяпти. Улар орасида турли даражадаги раҳбар ходимлар билан бир қаторда ҳар хил касб эгаларини учратиш мумкин. Н.Худойқулов, Т.Иброҳимов, И.Аманова Қорақалпоғистон туманларида ҳокимлик лавозимида ишламоқдалар. Гавҳар Примова, Ўғилжон Ибодуллаева ва Зарипбой Қурбоналиевлар врач, Гуландом Қутлимуратова Беруний енгил саноат коллежида ўқитувчи, Яхшибика Абдуллаева тарих фанлари доктори, Ажинияз номли Қорақалпоқ Давлат педагогика институти тарих кафедраси мудираси.

Ҳозир улар ўз соҳаларида ҳормай-толмай муваффақиятли ишламоқдалар. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Мустақиллик йилларида устозимиз М.Ражабованинг меҳнатларини давлатимиз муносиб баҳолади. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, 1-даражали "Соғлом авлод" ордени билан мукофотланди. Опа ўқитувчилик фаолияти билан илмий фаолиятни қўшиб олиб борди. Педагогика фанлари илмий даражасини олди.

М.Ражабова мустақил давлатимизда, қонунчиликнинг муҳим ўрин тутаётганидан беғоят хурсанд. Чунки у мустақилликдан илгари "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" деб аталмиш ғаразли ишнинг жафокаши бўлган. Истиқлол йилларида бундай ғайриқонунийликка давлатимиз раҳбари қатъий чек қўйди. Энди барча хатти-ҳаракатларнинг ўз ҳақиқат тарозиси бор.

Меҳнат фахрийси устозимиз Марям опа Ражабова бугун 70 ёшни қоралаб дориломон кунларга шукроналик айтиб, тўкин-сочин ҳаёт кечирмоқда. Муқаддас ҳаж зиёратига бориб қайтди. Бир нечта ўғил-қизларнинг, невара-чевараларнинг бувиси.

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди у. — Ёшларимиз касб-кор ўрганишлари учун ҳамма шароитлар етарли. Фақат улар ўқишлари керак. Буюк мамлакатимизнинг келажаги учун муносиб фарзанд бўлишлари лозим.

Устозимни касб байрамлари билан минглаб шогирдлари номидан муборакбод этаман, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

# Ҳуқуқий демократик давлат пойдевори

Ҳамид АКРАМОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси

"...Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб етади", деган эди Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида Конституциямиз жамиятда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб бериб, давлатнинг аниқ-равшан дастури мавжудлиги ва унинг аниқ белгиланган йўлдан бораётганини кўрсатиб берди. Яъни, мазкур Конституция асосида республикамиз ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди ва бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳукм сурмоқда. Бунёдкорлик ишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон миқёсига чиқди.

Бу 1992 йилнинг 8 декабрида умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари, андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий Конституциянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти сари биринчи ва қатъий қадам қўйилганинини яна бир бор исботлади.

Аввалги конституциялардан ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан принципиал равишда фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси дастлабки моддасидан то охирги 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан суғорилди. Унда жинси, миллати, ирқи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб, инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган битта ҳам модда йўқ. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларига таянилганлиги ҳам Конституциямизнинг хусусияти саналади. Шу билан бирга, унда халқимизнинг миллий хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топди. Конституция мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти эканлиги, ташқи сиёсатни ўз манфаатларидан келиб чиқиб олиб бориши, халқаро ташкилотлар ва давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаб қўйди.

Конституциямизда инсон ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, қадр-қимматининг олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши, айбсизлик презумпцияси каби нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, ундаги устувор меъёрлар Ўзбекистон халқининг мақсади қанчалик улуғворлигидан, юртимиз келажаги буюклигидан дарак беради.

Юртимизда инсоннинг ҳаёти ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланади, шу боис мамлакат Конституциясида инсонпарварлик тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилган. Бу жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда инобатга олинмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистонда конституциявий институт саналган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга тўхталиб ўтсак. Маълумки, прокуратуранинг ташкилий, ҳуқуқий шакли, асосий вазифалари Конституциямизнинг 118-121-моддаларида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, прокуратура фаолияти яна "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Конституциянинг 118-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган "Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади", деган ваколат янги Қонунда янада ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш ва албатта, ҳуқуқни ҳимоялаш функцияларини кучайтиришни вақтнинг ўзи тақозо этди. Қонунга киритилган янги моддалар прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга олиб келди. Эндиликда прокуратуранинг жиноий жавобгарликни таъқиб этувчи функциялари ўзгариб, у асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этувчи органга айланди.

# Фахрийлар билан учрашув

Фазилат ЁДГОРОВА,
«Нидо»

***2011 йилнинг 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида тингловчилар ва прокуратура органлари тизимига ишга қабул қилинган ёш мутахассисларнинг прокуратура тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган, кўп йиллик соҳавий тажрибага эга бўлган фахрийлар Рустамбек Ҳакимов, Султонмурод Норхўжаев ва Маркс Шарафутдиновлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калонов олиб борди.***

38 йилга яқин Андижон ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳар ва Республика Бош прокуратуралари тизимида фаолият кўрсатган Рустамбек Ҳакимов туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Андижон шаҳар прокуратурасининг терговчиси, Тошкент вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, катта терговчи, Бош прокуратурада бўлим прокурори, катта прокурор, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, Чилонзор туман прокурори, Мирзо Улуғбек туман прокурори ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилган. Айни дамда Ўзбекистон прокуратура органлари Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказининг Тошкент шаҳар бўлими раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Рустамбек Рауфовичнинг кўп йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз ва Республика Бош прокуратураси томонидан муносиб баҳоланиб, "Мустақилликнинг 1 йиллиги" ва "Мустақилликнинг 20 йиллиги" эсдалик нишони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Учрашув қатнашчиларининг бири Султонмурод Норхўжаев прокуратура тизимидаги 40 йилга яқин меҳнат фаолияти мобайнида Тошлоқ туман прокуратурасида терговчи, Олмалиқ шаҳар прокуратурасида катта терговчи, Оққўрғон туманида терговчи, Бош прокуратура тергов бошқармаси прокурори, бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим бошлиғи, Юнусобод тумани прокурори, Ҳамза тумани прокурори, Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Султонмурод Ҳожибоевичнинг меҳнатлари Бош прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча марта рағбатлантирилди ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Иштирокчилардан яна бири Маркс Шарафутдинов прокуратура органлари тизимида 39 йил фаолият кўрсатиб, Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Бош прокуратурада бўлим прокурори, бошқарма прокурори, катта прокурори, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи, Шайхонтоҳур туман прокурори лавозимларида меҳнат қилган. 2002 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон прокуратура органлари Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси ўринбосари вазифасида ишламоқда.

Маркс Николаевичнинг меҳнатлари ҳукуматимиз ва Бош прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "II-даражали шон-шараф" ордени, 3 та медал ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган. Шунингдек, "Мустақилликнинг 1 йиллиги", "Мустақилликнинг 10 йиллиги", "Мустақилликнинг 15 йиллиги" эсдалик нишонлари билан рағбатлантирилган.

Фахрийлар ёш мутахассисларга ўзларининг иш фаолиятлари ҳақида гапириб, уларга иш жараёнида дуч келадиган ҳолатларда ўзларини қандай тутишлари тўғрисида маслаҳатлар беришди.

Ёш мутахассислар фахрийлардан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

***Президентимизнинг "Хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур" деган таъкидлари замирида тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини, уларнинг молия-хўжалик ишларига аралашувларни қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топади.***

# Текширувлар тартибга солинмоқда

Акмал РАЖАБОВ,
Бухоро вилоят ДСБ Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш шўъбаси бошлиғи
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари қабул қилиниши тадбиркорлик тизими, хусусий мулк устуворлигини таъминлайдиган кучли қонунчилик базаси яратилганини кўрсатади. Бу жараёнда давлат солиқ назорати идоралари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди.

Давлат дастурининг 23-банди ижроси юзасидан Бухоро вилояти режа-жадвалида бўлган 3 та кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтганига уч йил тўлмаганлиги учун Кенгаш томонидан тасдиқланган 2011 йил текширишлар режа-жадвалида бўлган, барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг 15 таси режа-жадвалдан чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига назорат органларининг ортиқча режали текширишларда иштироки камайтирилмоқда. Жумладан, вилоятимиз бўйича 2011 йилда режали текширишлар бор-йўғи 17 тани ташкил этган.

Ўтказилган йиғилишларда текширишларни тартибга солиш бўйича назоратни сусайтирган, текшириш тартибини бузган 58 нафар мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига тегишли ҳуқуқий баҳо берилди. Жумладан, 25 нафар мансабдор шахслар бу йўналишдаги камчиликлари юзасидан огоҳлантирилган, 3 нафар мансабдор шахсларнинг текшириш ҳуқуқи бекор қилиниб, 1 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳар ҳафта жума куни "Очиқ эшиклар куни" тадбири жорий этилди. Ушбу тадбирлар давомида вилоятдаги назорат органларининг масъул ходимлари томонидан тадбир ўтказилаётган тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида тадбиркорлик субъектлари билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиб, ваколат доирасида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ҳафтанинг жума куни ишчи гуруҳларнинг амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари дастур ижросининг натижаси тўғрисидаги тадбир ўтказилаётган туманда ташкил этилган йиғилишда муҳокама қилиб борилмоқда.

Бугунги кунга қадар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жами 260 маротаба ана шундай тадбирлар ўтказилиб, уларда 4280 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектларининг 336 дан ортиқ мурожаатлари қабул қилиниб, шундан 269 таси жойида ҳал этилди. 67 нафар тадбиркорлар томонидан билдирилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли идораларга топшириқлар берилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган 695 нафар фуқарога тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун амалий ёрдамлар кўрсатилди.

# Фалокат

*Тунги соат 23:00 ларда Зарифа кўчадаги бақир-чақирдан чўчиб уйғониб кетди. Турмуш ўртоғи Султон ҳали келмабди. У тўй-тантаналарда фокус ўйинлар кўрсатиб пул ишлаб, рўзғор тебратади. Зарифанинг юрагини ваҳима босиб, болалар хонасига югурди. Катта ўғли Темур ҳам жойида йўқ. Деразадан кўчадаги тўполонга қараб, у ерда ўғли йўқлигига амин бўлгач, кўнгли хотиржам бўлиб жойига бориб ётди. Аммо бир оздан сўнг ташқаридаги шовқин авжига минди, кимдир маҳалла оқсоқоли-ю, қўшниларнинг исмини айтиб шатирлатиб сўка бошлади, унинг овозидан мастлиги сезилиб турарди. Зарифа кўйлаги бир амаллаб тезда бўлавергач ҳовлига чиқди, дарвозанинг қия очиқ томонида эрини бегона йигитлар билан турганини кўриб…*



Отабек АТАКОВ,
Нурота туман прокурори
Баргида МЎМИНЖОНОВА, журналист

Шодиёр эрталаб уйдан "мол бозорига бораман", деб чиқиб кетганча бозорга бормай, кун бўйи оғайнилари билан "кўнгил ёзди". Шомга яқин Ахмат, Шарофлар билан овқатланиш учун ошхонага кириб тунги соат ўн бирларгача суҳбатлашиб ўтиришди, бу орада уч-тўрт шиша ароқни ҳам биргалашиб бўшатиб қўйишибди.

— Бир ўтирсак, ўтирибмиз-да, эртага ўхшаб қолса, Кореяга ишлашга кетиб қолсам, кейин бунақа ўтиришлар қаёқда дейсан? — деди кайфи ошган Шодиёр.

— Қани турайлик энди, ўтириш сен келганингдан кейин яна бўлаверади! — Аҳмад Шарофга қараб туришга ишора қилди.

Тун қоронғусида кўчада ҳеч ким йўқ, жимжитлик. Шодиёр обдон кайфи ошиб, оғзига келганини гапирар, оқсоқол-у унинг атрофидагиларнинг отини айтиб сўкиб кетарди. Ароқ уни бутқул ҳушидан айирган эди. Йўл-йўлакай "қизиб кетяпман" деб футболкасини ҳам ечиб ташлади.

— Буни уйига олиб бориб қўймасак бўлмайди, — Аҳмад оғайнисининг бир қўлини елкасига олди, иккинчисидан эса Шароф тутди.

— Анави тўғридаги чамадон кўтарган Султон фокусчими? Мен бир кўришиб қўяй у билан! — оёқда зўрға турган Шодиёр уйига кириб кетаётган Султон томон юра бошлади. Султон ярим яланғоч ҳамқишлоғининг мастлигини кўриб, тинчгина уйга кириб кетмоқчи бўлдию, аммо ақли арокқа бутқул қул бўлган Шодиёр унга йўл бермади.

— Мени менсимай, индамай кириб кетмоқчи бўлдингми оғайни ё нархинг ошиб қолдими? — Шодиёр Султон билан қучоқлашиб кўриша туриб, бирдан тўнини тескари кийиб олди.

— Йўғ-е, нималар деяпсан, оғайни? — шундай дея Султон дарвозага яқинлашаётган хотинига чамадонини узатди.

— Ҳа, нимага унда кучукни кўргандай, саломаликсиз уйингга қочиб қоляпсан? — дея қўл кўтарган эди, бирдан иккаласи ҳам ерга йиқилди.

Шодиёр тўхтамай сўкинар, ўзи оёқда зўрға турса-да, шеригини яна йиқитишга ҳаракат қиларди.

— Бўлди қил оғайни, уйингга бориб дамингни ол, эртага гаплашамиз, — Шодиёрнинг ҳуши ўзида эмаслигини кўриб турган Султон паст келди.

— Менга қара, хотинингни менга бир кечага бериб тур!

Бу гап Султонга ортиқчалик қилди. Ғазабга тўлганча ҳамқишлоғининг жағ ва пешона қисмига боши билан зарба бера бошлади. Кўп ўтмай Шодиёр оғзи-бурнидан қон кетганча ерга йиқилиб ҳушидан кетди. Бу орада Зарифа ўғли Темурга телефон қилишга улгурган эди. Темур етиб келганда отаси ерда узала тушиб ётган одамнинг юзларига уриб уни ҳушига келтиришга ҳаракат қиларди. Кўп ўтмай тез ёрдам машинаси етиб келди, аммо улар Шодиёрга ҳеч қандай ёрдам бера олишмади...

Бир неча лаҳзалик кўнгилхушлик, ана шундай фожиага олиб келди. Ҳаёт тарзини белгилаш ҳар кимнинг ўз ихтиёри, албатта. Лекин энг аввало ҳар қандай ишнинг оқибатини ўйлаш ва жаҳл келганда ақл билан иш тутиш лозим. Ахир, ақл инсонни дунёдаги бошқа жонзотлардан фарқлаб турувчи асосий омиллардан эканлигини унутмаслик керак.



# Сохта солиқчи

Иззатилла БОЗОРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси

***Ижарага олган ихчамгина дўкончасида савдо-сотиқ бошлаган Баҳодир ўзини солиқ инспекцияси ходими деб таништирган йигитнинг гапларини эшитиб, шошиб қолди. Солиқчи унинг фаолиятига доир ҳужжатларни кўриб чиқа бошлади. Кейин СТИР рақами ва яна бир қанча маълумотларни шошилмасдан ёзиб олди. Кетар чоғида назорат касса машинасидан чек уриб чиқариб олди.***

Унинг орқасидан эргашиб чиққан Баҳодир саволларига тайинли жавоб ололмади. Билгани шу бўлдики, йигитнинг исми Собир, Тошкент шаҳар Давлат Солиқ инспекциясида ишлайди. Шу ой ичида унинг дўконида текшириш ўтказилиши мумкин...

Уч-тўрт кун ўтиб, Собир яна дўконда пайдо бўлди. Бу сафар Баҳодир у билан очиқчасига гаплашишга уриниб кўрди.

— Текшириш ўтказилиши керак бўлган тадбиркорлар рўйхатида сиз ҳам борсиз. Яқинда дўконингизда текшириш ўтказамиз.

— Текшириш керак экан текширишсин. Иш бор жойда хато ҳам бўлиши мумкин. Шу баҳона камчиликларимизни билиб, буёғига шунга қараб иш юритамиз-да, — деди Баҳодир иккилангандай.

— Ҳаммаям бошида шундай дейди, — киноя билан деди Собир, — лекин жаримага тортилиб, товарлари мусодара бўлганидан кейин бошқача гапиришади.

Баҳодир хавотирга тушди. "Нима қилиш керак?"

— Шунчаликка бормас энди, — ниҳоят гап бошлади Баҳодир, — Текширувчилар ёрдам қилиб юборишса ёки шу текширишни кейинроққа қолдиришса яхши бўларди. Иложи бўлса, ёрдам қилиб юборинг ака. Хизматлар бўлса қиламиз...

"Солиқчи" дўкончига зимдан кўз ташлаб, унинг тузоққа тушганига ишонч ҳосил қилди.

— Бу энди менга боғлиқ масала эмас. Майли, яқинда иш бошлаган экансиз, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш керак, — деди у Баҳодир билан холироқ жойга ўтиб. — Фақат озроқ харажат тортасиз...

— Қанча бўлади харажати?

— 1500 доллар... Фақат тўғри тушунинг, бунинг атиги 10 фоизи менга тегади.

Баҳодирнинг капалаги учиб кетди.

— Бунча пул йўқ менда, Собир ака.

"Солиқчи"нинг туси ўзгарди.

— Демак, сиз билан келишолмадик. Ўзингиз илтимос қилганингизга ёрдам қилай дедим. Жаримага тортиб, товарларингизни олиб қўйсак, анча қимматга тушиб кетасиз, — у шундай деб дўкондан чиқиб кетди.

— Собир ака, сал келиштиринг...— деди унинг ортидан эргашган Баҳодир.

— Сумма ўзгармайди, лекин вақт бераман. 10 майгача пулни тахлаб қўйинг.

Айтилган муддат яқинлашган сайин Баҳодирнинг ҳаловати йўқолди. Бунинг устига Собир унга бир неча бор учрашиб, ҳар гал "келишув"ни эслатиб кетди.

Баҳодир негадир Собирнинг ДСИда ишлашига шубҳалана бошлади. Таниш дўкончилардан сўраб-суриштириб кўрди. Бир сафар у билан яна ўша 1500 АҚШ доллари ҳақидаги суҳбатни диктафонга яширинча ёзиб ҳам олди.

Охири бир қарорга келди: "солиқчи"нинг ноқонуний талаби ва унга қонуний чора кўришни сўраб, ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилди.

Ўтказилган тезкор тадбир чоғида Собир ундан 1500 АҚШ долларини олган вақтида ушланди. Дастлабки тергов вақтидаёқ Собир Бердиевнинг аслида солиқ идорасида ишламаслиги аён бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг ҳукми билан сохта солиқчи жазосини олди.



# Эл ризқига кўз олайтирганлар

Р.ТУРСУНКУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Сурхондарё вилоят
бошқармаси катта инспектори

***Пахтанинг ҳар толаси олтинга тенг бўлиб, бободеҳқоннинг пешона тери, қалб қўри билан етиштирилади. Вилоятимиз пахтакорлари давлат шартномасини бажариш учун далаларни мардлар майдонига айлантирмоқдалар. Афсуски, айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар эса кўпчиликнинг ризқу насибаси бўлган пахтани жиноий йўллар билан қўлга киритиб, қўлбола усулда тайёрланган мойжувоз ускуналари орқали пахта мойи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганликлари аниқланмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сурхондарё вилоят Шўрчи туман бўлими ходимлари томонидан 2011 йил 13 сентябрь куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Шўрчи туман "Оққамар" маҳалласида ўтказилган тадбир давомида фуқаро А.Холиқов қўшнилари Я.Гулмирзаев ва Г.Гулмирзаев ҳамда "Элбек Рўзимуҳаммад" фермер хўжалиги раҳбари П.Тураевлар билан электр энергиясига ноқонуний равишда уланиб, чигитни қайта ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қўлбола усулда тайёрланган мойжувоз ускуналари орқали пахта толаси ва ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганликлари аниқланган. Тадбир натижасида фуқаро Г.Гулмирзаевнинг уйидан 1 дона мойжувоз ускунаси, 175 кг пахта мойига ўхшаш суюқлик, 20 кг кунжара ва фуқаро Я.Гулмирзаевнинг уйидан 1 дона пахтани чигитдан ажратувчи ускуна, 840 кг пахта хомашёси, 1218 кг пахта чигити, 620 кг пахта толаси ва бошқа турдаги товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу яширин цехларни пахта хомашёси билан таъминлаб келаётган манбани аниқлаш мақсадида олиб борилган тезкор суриштирув ҳаракатлари натижасида тумандаги "Элбек Рўзимуҳаммад" фермер хўжалиги раҳбари П.Тураевнинг кирдикорлари фош этилди.

Бундан ташқари, А.Холиқов ва бошқалар электр энергиясига ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда уланиб олганликлари оқибатида туман электр тармоқлари корхонаси манфаатларига 2 млн. 347 минг сўмлик зарар етказишган.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Шўрчи туман бўлими томонидан фуқаро А.Холиқов, П.Тураев ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тўпланган материаллар Шўрчи туман прокуратурасига тергов ҳаракатлари олиб бориш учун юборилди.

Кўпчиликнинг ризқига чанг солиш ҳамиша қораланиб келинган. Буни асло унутмаслик керак.

# Ноқобил жиян

***Алақ-жалақ тушлар таъсирида одатдагидан барвақтроқ уйғонган Дилдора ёнида пишиллаб ухлаб ётган боласининг лўппи юзларидан секингина ўпиб қўйди. Қайта кўзига уйқу келавермагач, гарчи ҳали эрта бўлса-да, нонуштага уннади. Тонг ёришгач, эри ва фарзандларини уйғотиб, биргаликда нонушта қилишди. Нонуштадан сўнг ҳар доимгидек эрини ишга кузатди. Соат саккизларда тез-тез шамоллайверганидан боғчага бормай қўйган Ҳумоюннинг устидан қулфлаб, йўл-йўлакай қизи Шоҳидани мактабга ташлади ва ўзи ишига кетди.***

**Метинбой САИДОВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи



Ҳумоюнни уйда қолдириб кетар экан, онанинг юраги алланечук бўлиб, боласини қайта-қайта бағрига босди. Чунки Ҳумоюнни 3-4 ойдан бери уйда бир ўзини қолдириб кетаётган бўлса-да, унинг юраги ҳеч қачон бугунгидек ғашланмаган эди. Афсуски, онаизор 4 ёшли жигарпорасини охирги марта кўраётганини билмасди. Йўқса уни уйда ёлғиз қолдирармиди...

Ангрен шаҳридаги академик лицейлардан бирида "таълимтарбия" олаётган Сардор Эрназаров қандай қилиб, осон пул топиш йўлларини қидирди. Ва ниҳоят бунинг "ечими"ни топди...

У "биринчи қадам"ни аммасининг уйидан бошлади. 2010 йилнинг 19 апрель куни аммасиникига "меҳмон"га келади ва хонадон калитини яширинча олиб, унинг нусхасини ясаттириб, калитни ҳеч кимга билдирмасдан ўз жойига қўяди. Эртаси куни қулай пайт пойлаб, дубликат калит ёрдамида хонадонга киради. Ва 360 минг сўм пулни ўмариб, уни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

"Биринчи қадам"нинг муваффақиятидан руҳланган Сардор Эрназаров энди янада дадилланиб, навбатдаги "ов" тадоригини кўра бошлайди. Кейинги "ўлжа"ни ҳам ўз танишлари ичидан танлайди.

У институт талабалари акаука Холиқовларнинг ижара уйига тез-тез бориб турарди. Кунларнинг бирида уларникидан уй калитини олиб, унинг нусхасини ясаттиради. Пайтини пойлаб, хонадонга "ташриф" буюради. 96 минг сўм пул, қўл соати ва бир дона атирни олиб, жуфтакни ростлайди. У навбатдаги "ови" ҳам бароридан келганидан хурсанд бўлиб, "фаолияти"ни давом эттираверади. Чунки у бирор марта ҳам омадсизликка учрамаётган эди-да.

Жазосизликдан руҳланган С.Эрназаровнинг кўнгли энди яна аммасининг уйига боришни тусаб қолди. Унинг бу сафарги "қадами" олдингиларидан қабиҳлиги ва мудҳишлиги билан фарқ қилиб, унинг ҳаракатларига халақит берувчи жиянчаси Ҳумоюнни ўлдириш ҳам эди.

2011 йилнинг 4 апрелида у жияни Шоҳиданинг мактабга, аммаси ва поччасининг ишга кетганидан фойдаланиб, калит нусхаси ёрдамида уйга киради. Ваннахонадан чиқиб келаётган Ҳумоюн ҳаммаёқни титиб, пул излаётган тоғаваччасини таниб қолади. Бундан қўрқиб кетган С.Эрназаров кабел сими билан гўдакни бўғиб, унинг дуч келган жойига бир неча маротаба пичоқ уради. Бола тинчиб қолгач, ишини давом эттириб шкафдан 25 минг сўм пул, 100 минг сўмлик аёллар тилла узуги, 70 минг сўмлик 1 дона "LG TM" номли DVD плеер кабилярни олиб, воқеа жойидан яширинади. Ушбу жиноят иши юзасидан жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг малакали терговчиларидан иборат тергов гуруҳи тузилиб, олиб борилган тергов тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир қилган С.Эрназаров эканлиги аниқланади. Унга нисбатан тергов ҳаракатлари якунланиб, жиноят иши судга юборилади. Суд томонидан унга ўн беш йиллик қамоқ жазоси тайинланган.

Бу мудҳиш воқеани баён қилиш биз учун ҳам осон кечмади. Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳали ҳаётда ҳеч нарсани кўриб улгурмаган норасида Ҳумоюннинг айби нима эди? У ҳам бошқалар қатори яшашга, ўйнаб-кулишга ҳақли эди-ку. Унинг бу дунёдан бевақт кетишига ким айбдор?

Ёш ва соғлом, тоғни урса, талқон қилгудек, қолаверса, атрофдагиларнинг таърифлашича, "қўй оғзидан чўп олмаган" Сардорнинг 15 йиллик умри панжара ортида ўтишида-чи? Қачонгача кимларнингдир тарбиясидаги ноқислик туфайли бошқалар азият чекади?

Юқоридаги каби воқеалар қайта такрорланмаслиги учун ҳар биримиз бола тарбиясига масъул бўлайлик.

# Зўравонлар

***Ёшликнинг "олтин даври" саналмиш талабалик йиллари оқар сувдек тез ўтиб кетади. Бу даврнинг сониялари олтинга тенг. Унинг қадрига етиб, билим олиш учун берилган имконият ва вақтдан самарали фойдаланганлар келажакда афсус қилмайдилар. Аксинча йўл тутган талабалар эса, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолиши ҳам ҳеч гапмас...***

**Э.ШОДМОНОВ,**
Мирзо Улуғбек туман прокурори



Кунларнинг бирида Нуриддин таниш қиз билан гаплашиб ўтирганида қизнинг қўл телефонига кимдир қўнғироқ қилиб қолди. Қиз "Мана шу бола телефон қилавериб безор қилди. Ўзинг тушунтириб қўй", деб телефонни Нуриддинга узатди.

Нуриддин қўнғироқ қилган бу йигитга бошқа телефон қилмаслигини айтганида қўпол жавоб эшитди. Хуллас, телефон орқали иккаласи сўкишиб қолишди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Можарога Нуриддиннинг ошналари, нариги томондан Олим ва унинг ошнаси Фарруҳлар ҳам аралашадилар. Томонлар бир-бирини телефон орқали ҳақоратлашдан чарчаб, "муносабатларни ойдинлаштириб олиш" учун бир жойда кўришишга қарор қилишади. Аммо Нуриддин ва унинг шериклари бироз ўйлаб кўриб, жанжални давом эттириш фикридан қайтишади. Шунга қарамай, иккинчи томон, яъни Олим ва Фарруҳ уларни қидириб топиб, гаплашиб олиш учун ўзлари ижарада яшаётган уйга чақиришади.

Нуриддин ва унинг икки ўртоғи айтилган жойга боришдан бошқа чора топишолмайди. Кўришсаки, улар ҳам ўзлари каби бухоролик йигитлар экан.

Яраш-яраш бўлди. Бухороча ошга ҳаракат бошланди.

Ош сузилиб, суҳбат узилди. Йигитлар бир-бирига манзират қилиб, ошни еб бўлишгач, навбат чойхўрликка етди.

— Гап бундай, жўралар, — деди Фарруҳ пиёлани "дўқ" этиб қўяр экан,— бир жойнинг болалари эканмиз, сизларни кечирдик. Лекин ҳал қилиб олиш керак бўлган бир масала бор.

— Нима масала экан? — ўтирган йигитлар унинг оғзини пойлашди.

— Хуллас, гап бундай, йигитлар. Бўлар иш бўлди. Лекин сизларни қидириб топиш учун анча-мунча харажат тортдик. Учовинг ҳозир биз харажат қилган 200 минг сўмни ташлаб кетасизлар.

Йигитлар бир муддат жим қолишди. Сўнг улардан бири норози оҳангда сўради:

— Қанақа харажат ҳақида гапираяпсиз? Тушунмадик.

— Такси пули-да, у ёқ-бу ёққа пиёда бормайман-ку, — тишининг орасидан гапирди Фарруҳ.

— Булар энди сизнинг харажатингиз. Бизга алоқаси йўқ, — деди йигитларнинг орасида энг ёши.

— Ҳали шунақами? Манга қара хаммаңг! Икки юз минг учун ит кунини кўргиларинг келаяптими? — гапга қўшилди Олим. — Бир ерлик эканмиз, деб кечирдик, бўлмаса ёмон бўларди учовингга-ям. Пулни чиқармасанглар, Юнусободдаги ертўладан ота-оналаринг чиқариб олиб кетади.

Меҳмон йигитларнинг дами ичига тушиб кетди. Дўқ-пўписа қилиш навбати Фарруҳга келди. У ҳам ўзларидан ёшроқ бу талаба йигитларни ҳақоратлаб, қўрқитиш йўли билан айтилган пулни талаб қила бошлади.

— Лекин бизда бунча пул йўқ ҳозир, — деди улардан бири юрак ютиб, — биз ҳам сиз қатори студентмиз...

— Унда қўлингдаги телефонни бу ёққа чўз. Пулни олиб келасан, кейин буни олиб кетасан.

Йигитчалар чорасиз қолишди. Уларнинг ёшроғи "Сони эриксон" русумли телефонни ичидаги сим картасини олиб Фарруҳга узатди...

Йигитлар ўйлай-ўйлай бир тўхтамга келадилар: улар ИИБга ариза билан мурожаат қилишади.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг ҳукми билан товламачилик йўлини танлаган Ф.Муҳаммедов ва О.Қобиловлар тегишли жазосини олишди. Улар бундан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишлари турган гап.

# Туғилмаган чақалоқ савдоси

***Ҳаётимизни муҳтарама аёлларсиз асло тасаввур қила олмаймиз. Жамиятимиз гули, оиламиз таянчи, фарзандларимизнинг меҳрибон ва оқила онаси бўлган аёллар ҳамиша эъзоз ва эътибор марказида. Лекин ҳаётдаги ўрнини бошқача тушунадиган аёллар ҳам учраб турадики, уларнинг баъзи қилган ножўя ишлари ҳеч бир қонун доирасига тўғри келмайди. Айрим аёлларнинг қилмишига эса ақл бовар қилмайди.***

**Абдумалик АЛЛАМУРОДОВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



Қиш кунларининг бирида нишонлик бир кампир невараси Тамарахонни Жарқўрғон туманида яшовчи бобосининг уйига олиб келибди. Келишдан мақсад — ҳали турмушга чиқмаган қиз қурғур ҳомиладор бўлиб қолган, қариндошлар кўзидан панароқда кўзи ёриши керак эди. Тамарахоннинг ҳомиладор эканлигини сезиб қолган бобонинг фиғони фалакка чиқади. Аммо начора...

Бунақа узунқулоқ гаплар қишлоқ жойда тез тарқалади. Айни шу кунларда Дилобар Ҳаққулова (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) маҳаллада юкли қиз пайдо бўлганидан хабар топиб, ғаразли мақсадни кўзлаган ҳолда шу хонадонга қадам ранжида қилади. Чолни кўндириб, кампир билан неварасини "бирикки кунга меҳмон қиламан", деб уйига олиб кетади.

Шайтон қутқусига учган бу аёлнинг нияти бошқа эди. У ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмай туриб шундай ғавғони бошига орттириб олган бўшбаёв қизни авраишга тушади. "Ҳали ёш экансан, турмушга чиқишинг керак, агар рози бўлсанг, чақалоғинг эвазига мен сенга келинлик сарпоси ва 200 минг сўм пул бераман" дейди. Аслида-ку, қизнинг нияти, чақалоқ дунёга келса, кимгадир бериб ундан қутулиш эди. Дилобар хола қилаётган иши қонунга тўғри келадимийўқми, ўйлаб ҳам ўтирмай, тезда харидор ҳам топади. Шу тариқа ҳали туғилмаган чақалоқни сотиш пайига тушади.

Бироқ у мақсадига эриша олмади. Қилмиши ошкор бўлиб, қишлоқдошлари орасида юзи шувут бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг ҳукмига кўра, у Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноят — одам савдоси, яъни одамни сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида қабул қилишда ифодаланган ҳаракатларни содир этганликда айбли деб топилди ва унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланган жазони шартлига алмаштирди ҳамда уч йил синов муддати белгилади.



# Ичкиликнинг касофати

**Абдурахмон ҲОЖИЕВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

Ёшлик бебошлик деганларича бор экан. Йўқса, эндигина 22-24 ёшни қоралаган йигитчалар бировнинг тўйида хурмачаларига сиққанича ичгач, арзимаган сабаб туфайли ёқа бўғишиб, бир-бирларини дўппослашармиди?! Муштлашувга бошқалар ҳам аралашишди. Яхшиям жанжалга катталар аралашиб, уларни ажратиб қўйишди. Аммо кучини қаёққа сиғдиришни билмаётган жўжахўрозлардан бири бўлмиш Мурод (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйига қайтиб келгандан кейин ҳам аламини боса олмади. Устига-устак рўпарасидан чиқиб қолган амакиси унинг аҳволини кўриб, нима гаплигини сўради. Мурод бор гапни айтиб берган эди, ширакайф Камроннинг жаҳли чиқиб кетди:

— Ие, ким экан сенга қўл кўтарадиган? Ҳозироқ уни менга кўрсатасан. Мен тирик эканман, сенга биров қўлининг учини ҳам теккизолмайди. Шуни биласанми?..

Афсуски, бу ерда ҳам ичкилик панд берди. Агар Камроннинг кайфи бўлмаганда, жиянидан бўлган воқеани эшитгач, уни тинчлантириб, шайтонга ҳайф беришни тайинлаган, уни оғирроқ бўлишга чақирган бўларди. Йўқ, ёши 35 дан ошган, бир марта суднинг қора курсисига ўтиришга улгурган амаки жиянига насиҳат қилиш ўрнига, "ҳақиқатни қарор топтириб, "беайб" жигарига қўл кўтарган зўравоннинг попугини пасайтириб қўйишни ўзининг бурчи деб билди. Муродга тезда ўша йигитни топиб келишни буюрди. Бу пайтда "жабрланувчи" рақибининг ким эканлигини аллақачон аниқлаб, унинг қўл телефонигача билиб олган эди. Шунинг учун мамнун қиёфада амакисига юзланди:

— Унинг исми Элмурод. Менда телефон рақами бор. Нима қилай, чақирайми?

— Чақир, олдимга учиб келсин.

Элмурод гўшакни кўтариши билан Мурод ўзларининг маҳаллаларидаги бир жойни айтиб, тезда етиб келишни тайинлади. Элмурод ҳам чақириққа эътироз билдирмай, айтилган пайтда ўша ерда бўлишини маълум қилди.

Мурод амакиси ҳамда уч-тўрт нафар маҳалладошлари билан келишилган жойга етиб келганидан кейин кўп ўтмай, иккита автомашинада рақиб томон ҳам кўринди. Элмуроднинг ёнидаги Музаффар унга чўчимасликни тайинлаб, шерикларини қолдирдида, ўзи у билан тўпланиб турганлар томон юрди. Совуққина салом-аликдан кейин Музаффар Камронга юзланди:

— Ака, булар ёшлик қилиб, уришибди. Бўлар иш бўлибди. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Энди, ичимизда каттамиз сиз экансиз. Шунинг учун ўзингиз бош бўлиб, уларни яраштириб қўяйлик.

— Бу нима деганинг? Жияним индамай кетаверадиганлардан эмас. Элмуродни "духи" етса ана, четга ўтиб, Мурод билан бирга-бир чиқсин... ким зўрлигини ҳам аниқлаб олайлик. Ундан кейин сенларга жавоб...

— Ака, қўйинг шу ишни...

— Сен аралашма, ўзлари келишиб олишади.

Музаффар ҳар қанча уринмасин, натижа чиқмади. Шундай қилиб бир четга ўтиб, нималардир ҳақида гаплашаётган йигитлар тўсатдан бир-бирларини ура бошлашди. Қолганлар эса уларни ўраб олиб, гиж-гижлай кетишди.

Зумда тумонат одам йиғилди. Хайриятки, бундай томошаларга бефарқ эмаслар орамизда ҳали ҳам топилади. Уч-тўрт йўловчи муштлашаётганларни ажратиб қўйишгач, йигитлар тарқалишди. Аммо эртаси куни Мурод Элмуродга қўнғироқ қилиб, ҳали ора очиқ бўлмаганлиги-ю, айтадиган гаплари ҳали кўп эканлигини айтиб, кечки пайт учрашишни таклиф қилди. Элмурод шу заҳоти Музаффарга хабар берди. Хуллас, кечки пайт улар яна Муродларнинг маҳалласи томон йўл олишди. Бу ерда уларни кечагига қараганда кўпроқ йигитлар кутиб олишди. Начора, чақириққа жавоб бериш керак, энди ортга йўл йўқ...

Музаффар машинадан тушиб, олд қаторда турган Камрон билан энди гаплаша бошлаган ҳам эди, Камрон ҳе йўқ, бе йўқ, тўсатдан унинг юзига мушт тушириб қолди. Музаффар шу заҳоти жавоб қайтарди. Тўс-тўполон бошланди. Айни шу пайтда Камроннинг қўлида пичоқ ялтиради. Буни биров кўрди, биров кўрмади. Пичоқ аввалига Музаффарнинг курткасини кесиб ўтди, аммо ўзига деярли зарар етказмади. Кутилмаганда кимдир Муродни муштлашув бўлаётган жойга итариб юборди-ю, у ўзини ўнглаёлмай амакисининг устига йиқилар экан, пичоқ баданига санчилди. Мурод "Камрон ака, менга пичоқ тиқиб олдингиз-ку" дея олди, холос. Бу орада кўзи қонга тўлган Камрон Музаффарга ҳам пичоқ уришга улгурган эди. Муштлашувда иштирок этаётганлар унинг қўлида пичоқ борлигини билган заҳотлари қочишга тушишди. Ачинарлиси эса, Камрон тўс-тўполонда ушбу тўқнашувга умуман алоқаси йўқ яна бир йигитни ҳам жароҳатлаган экан.

Жароҳатланган учала йигитни зудлик билан касалхонага элтишди. Шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдамлари туфайли хавф чекиниб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳа, ўз кучига ортиқча баҳо беришдан ташқари, ичкиликни меъёридан ортиқ истеъмол қилишнинг оқибати яхшилик билан тугаши даргумон. Юқорида қайд этганимиз, мастлик оқибатида ўзларини шер билган йигитларнинг омадлари бор экан, жароҳатланиш билангина чекланиб қолишди, йўқса... Шундай бўлсада, суд томонидан уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинланди.



# Антиқа «ов»

**Фотима АЗАМАТОВА,**
Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси

***Ёши улуғ одамларнинг айтишларича, ҳар қандай ниҳолнинг тўғри ўсиши ва ривожланиши энг аввало унга бўлган эътиборга боғлиқ экан. Яъни уни парваришлаш, эгрилиб кетмаслиги учун шарт-шароит яратиш, эътибор қаратиш зарур. Чунки ўз ҳолига ташлаб қўйилган ниҳол ёввойилашиб, тарвақайлаб ўсади. Бола ҳам худди шундай. Айниқса, балоғат ёшига етиши арафасида эътибор ва яна қаттиқ эътибор зарур.***

Александра (исмлар ўзгартириб берилмоқда) болалик пайтларида ўзига бировнинг бирор буюм-нарсаси ёқиб қолса, унга эгалик қилмагунча тинчимас, ўйнаб бўлганидан кейин уни ташлаб юборишга одатланган эди. Бора-бора бировнинг буюмини бесўроқ эгаллаш унга одат бўлиб қолди. Ён атрофдагилар эса, бола-ку, дея унча парво қилишмасди ҳам. Лекин у ота-онадан йироқда аста-секин улғайиб, вояга етгани сари бу каби одатлар унинг учун тирикчилик тарзига айланиб борди.

Ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, Александра ҳам бу қилиғи билан узоққа боролмади. Эндигина ўн олти ёшга тўлганида ўғирлик жинояти содир этганлиги учун суд ҳукми билан жазоланди. Бироқ, бу унга сабоқ бўлмади. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, жазодан озод бўлганидан сўнг бирор жойда ишлашга бўйни ярамади. Ўғирлик қилиб енгилелпи ҳаёт кечиришни ҳалол меҳнатдан кўра устун қўйди.

Бир сафар у ўғирликнинг бошқача йўлини тутди, яъни ит ўғирлаб сотишни одат қилди. Ит бўлганда ҳам ҳар қандай ит эмас, балки зотдорларини кўз остига олди. Шу мақсадда кучук боқиладиган уйларни пойлайдиган бўлди. Кунларнинг бирида у кўчада кетаётиб, кўп қаватли уйларнинг биридан кучукчанинг вовуллаган овозини эшитиб, аста ўша хонадон ойнасидан ичкарига қаради. Омадни қарангки, у оддий эмас, накд "алабай" зотли кучук эди. Александра қандай бўлмасин, уни қўлга киритишга ошиқди. Уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч хосил қилгач, бир амаллаб ойна орқали ичкарига кирди.

Ҳар қандай кучук уйга бегона одам кирганини кўриши билан унга ташланиши ёки ҳамла қилиши табиий ҳол. Лекин Александра ҳайвонлар билан тил топишишни жуда яхши ўзлаштирган экан. Хонадон ичкарисига кириши биланоқ бирикки имо-ишора билан кучукни ўзига ўргатиб олди. Сўнгра эшикни очиб, худди ўз уйидан кўчага сайр қилгани отлангандек чиқиб кетади.

Александра кучукчани тезроқ пуллаш пайига тушди. Харидор ҳам даров топила қолди. Зотдор ит ишқибози бўлган бир кишининг "кучукни сотасанми", деган таклифи жонига оро кирди. Бироз тортишгандек бўлиб, ниҳоят 100 минг сўмга кўнди.

Бел оғримай қўлга киритилган пул тез орада осонликча ҳавога совурилди. Александра келгуси "ов" ҳақида ўйланиб юрган кезларида эски таниши Михаил Воронинни учратиб қолди.

— Қайтганингдан кейин ишларинг ҳам ёмонга ўхшамайди, — дея гап бошлади Михаил.

— Ҳа энди, ҳаракатга яраша, — жавоб қилди Александра.

— Менинг ишларим унча юришмай турибди, — дея очиғини айтди Михаил.

— Иш бўлса топилади, фақат сен бунга қўнармикансан, — қиз унга ишонқирамай қаради.

— Нима иш бўлса қиламан, тирикчилик қилиш керак, фақат нималигини айт, — сабрсизлик билан сўради йигит.

— Ўғирлик! Кучук ўғирлаш...

Бу таклифни кутмаган Михаил бироз ўйланиб қолди.

— Жуда қизиқ иш топибсанку.

— Бўлмаса-чи. Йўқолган кучукни деб ҳамма ҳам милицияга бoравермайди. Уни ўзи чиқиб кетган деб ўйлаб, эгасининг ўзи излайди, холос.

— Тўғри айтасан, — деди Михаил, — товар бўлса харидор, албатта, топилади.

Иккаласи шу тариқа режани пишитиб, Михаилга олдиндан маълум бўлган хонадонга боришди. Ён-атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Михаил унча баланд бўлмаган девордан ошиб ўтди. Александра кўчада қоровулликка қолди. Михаил "Америка бульдоги" зотли кучукчани девор ортида турган Александрага узатди.

Ов бароридан келганидан ҳурсанд бўлган "овчи"лар тўғри Тошкентнинг "Фарҳод" бозорига боришди. Кучукни нотаниш шахсга 60 минг сўмга пуллашиб, фойдани ўртада "арра" қилишди.

Ётиб есанг тоғ ҳам чидамайди деганларидек, сармоя ниҳоясига етди. Бу сафар Александра дастлаб ўзи тунаган хонадонни яна кўз остига олди. Александранинг айтишича, бу хонадон эгаси кучуксиз туролмас экан.

"Овчи"ларнинг яна омади келди, остонада нақ немис овчаркаси улардан кўз узмасдан турарди. Дастлаб ит бир-икки ташлангандек бўлди, лекин Александра унинг тилини тезда топди ва аста бўйинбоғидан бўшатиб кўчага йўл олди. Михаил эса биттагина кучук билан чегараланмасдан кичикроқ палосни қўлтиқлаб олди. Александранинг саволига, ишинг бўлмасин, ортиқчалик қилмайди, деганча, унинг ортидан эргашди.

Бозорда палосга тезда харидор топилди. Аммо Александра негадир кучукни сотишдан айниб, уни ўзи билан олиб қолди. Сўнг иккаласи бирга овқатланиб, спиртли ичимлик ҳам ичишди. Кўчага чиқишганида Александра кайфи ошганидан гандираклаб, "Фарҳод" бозори томон бориб қолди. Азбаройи мастлигидан ўзини эплолмасдан йўл четида ётиб уйқуга кетди. Ўзига келганида эса ИИБ ходимлари ҳамроҳлигида кетаётганини англади. У дастлабки сўроқдаёқ қилган барча ўғирликларини бирма-бир сўзлаб, қилган ишидан пушаймонлигини билдирди.

Суд ҳукми билан у тегишли жазога ҳукм қилинди, келтирган зарарнинг асосий қисмини қоплади.

Александранинг бундай аҳволга тушиши ачинарли, албатта. Ота-онасидан етим қолганидан сўнг уни тергайдиган, тўғри маслаҳат берадиган инсонинг ўзи бўлмади. Шунинг учун у ўз билганича яшади. Балким, уни кўрган, билган инсонлар унга ўз вақтида инсонийлик ёрдамини кўрсатганида, маслаҳатини аямаганида ёки бу ҳақда тегишли органларга хабар берганида шундай ҳолат рўй бермасмиди. Шу боис ким бўлсак ҳам, қаерда бўлсак ҳам ён атрофимиздагиларга бефарқ бўлмайлик.

*Сохтакорлик, қалбакилик, қаллоблик. Мазмун жиҳатидан бир-бирига ҳамоҳанг бу сўзлар инсон хулқидаги қусурли ҳолатларни ифодалайди. "Ҳаёт бундай қусурларни кечирмайди", деймиз. Дарҳақиқат, ўзгаларни фирибгарлик билан алдаш охир-оқибат жиноятга олиб келади. Сохтакорлик ҳам фирибгарликнинг бир кўринишидир.*

# Сохта агент ва унинг бошлиғи

Бахтиёр ИСМАТОВ,
Қамаши туман прокурорининг катта ёрдамчиси
Умид САЙФИЕВ,
туман прокуратураси терговчиси



Тор шахсий манфаатларга ўралашиб қолган кичик одатда атрофида юз бераётган ҳаётий ўзгаришларни, янгиланишларни пайқамайди. Ва ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Демак, у имкон топди дегунча сохтакорликка ҳам, қалбакиликка ҳам қўл уриши мумкин.

Суд бўлгунга қадар Зоҳид Вафоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шу босқичларни бирма-бир босиб ўтди. Балки у ўз мансаб доирасидан четга чиқишни истамагандир. Нима бўлса ҳам суғурта компанияси ишини яхшилаш, корхонага кўпроқ маблағ тушириш, аъзолар сафини кенгайтириш мақсадида елиб-югургандир ва Менглинор Салаевага ҳам ана шу мақсадда сохта гувоҳнома бергандир.

Юзаки қараганда шундай, лекин ботиний кўз билан масаланинг туб моҳиятига назар соладиган бўлсангиз, "Кафолат" давлат акциядорлик суғурта компаниясининг тумандардаги бўлимларидан бирида хизмат қилаётган, аниқроғи, туман агентлигининг бошлиғи вазифасида ишлаган Зоҳид Вафоевнинг хатти-ҳаракатлари замирида тор шахсий манфаатдорлик яширириниб ётарди.

Ҳаётий тажрибалардан маълумки, яширинган нарса вақти-соати етиб юзага чиқади. Ғаразли ниятлар ҳаракатга келиб, имкон излайди. Зоҳид Вафоев учун бундай имкон 2010 йилнинг 1 апрель куни "ташриф буюрди". У Менглинор Салаевага "Кафолат" давлат акциядорлик суғурта компанияси туман агентлигига ишга қабул қиламан, ҳар ой 100 минг сўм ойлик қилиб бераман", деб ваъда қилиб юрган эди. Менглинор айтилганидай қилиб ариза ёзиб берди. Энди унинг қўлида акциядорлик суғурта компаниясининг думалоқ муҳри босилган гувоҳнома бор эди. Аммо Салаева гувоҳноманинг ҳам, ундаги имзо-ю ёзувларнинг ҳам сохталигини билмасди. Салаева 2010 йилнинг апрель-май ойлари давомида суғурта агенти сифатида фаолият кўрсатди.

Суд ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Зоҳид Вафоев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўз мансаб доирасидан четга чиқиб, 2010 йил 24 апрель куни кундуз соат 11:00 ларда ўзининг сохта агентига қўл кўтарди. "Нима учун ишга келмайсан?", деб ходимни қўпол сўзлар билан ҳақорат қила кетди. Пировард натижада Салаеванинг юзига шапалоқ тортди. Уриб бурнини қонатди.

Раҳбарга номуносиб бўлган бундай ҳолат 26 апрель куни ҳам такрорланди. Бу сафар сохта агент аввалгидан қаттиқроқ калтак еди. Бу сафар унинг юзи, бурни, ўнг елкаси шикастланди ва чап қўлининг жимжилоғи синди.

Бошлиқ билан ходимнинг уйида, ховлида ёки кўча-кўйда эмас, нақ идорада юз берган жанжали ва олишуви, албатта, элга маълум бўлди. Сохта агентнинг соғлиғи ёмонлашган эди. У 21 кун давомида шифохонада даволаниб чиқди.

Судланувчи Зоҳид Вафоев ўзининг бундай хатти-ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган эди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо суд исботсиз ва далилларсиз иш кўрмайди. Қонун талабига кўра, суд ҳайъати жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб кўриб, тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилгач, қонун талаблари доирасида ҳукм қилди.

Албатта, ҳукм чиқаришда судланувчининг ўтмиш ҳаётига ҳам эътибор қилинади. Зеро, инсоннинг ўтмиши унинг кимлигини, қандай одамлигини, яшаш тарзи ва интилишларини намоён этувчи кўзгудир.

Судда тўпланган ҳужжатларга қараганда, Зоҳид Вафоев муқаддам бир неча марта судланган. 2004 йил 19 октябрда жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг жарими билан ЖК 109-моддаси 2-қисми қўлланилиб, жиноят иши ярашув асосида ҳаракатдан тўхтатилган. Шундан сўнг орадан маълум муддат ўтиб, аниқроғи, 2005 йилнинг 22 февралида жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг ҳукмига кўра ЖК 109-моддаси 2-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига жалб қилинган. 2005 йил 24 ноябрда жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судининг жаримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан жазодан муддатидан олдин озод этилади (шартли равишда).

Кўриниб турибдики, Зоҳид Вафоев унчалик тинч ҳаёт кечирмаган. Бир неча марта судланган, иш жойини ўзгартиришига тўғри келган, шунга қарамай, яна жиноий ишга қўл уриб, сохта ҳужжат тайёрлади ва Менглинор Салаевани "ишга қабул қилдим" деб бир неча ой давомида алдаб юради.

Сохта агент М.Салаева қарийб икки ой давомида 10 та транспорт воситасини суғуртадан ўтказиб, жами 228 минг сўм пулни "Микрокредитбанк"нинг Қамаши тумани филиалига ўтказади. Шартномага кўра, суғуртадан тушган пулнинг 10 фоизи агентга ойлик қилиб берилиши керак эди. Агентлик бошлиғи 28 апрель куни Менглинорга унинг жияни Мейли орқали 20 минг сўм бериб юборади. Агент шундан бошқа ойлик олмайди.

Судда Менглинор Салаева бошлиғи билан ораларида бўлиб ўтган бошқа бир муносабат тўғрисида ҳам кўрсатма беради. Унинг айтишича, 2010 йилнинг апрелида бошлиғи унга Қамаши шаҳрида бирга яшашни таклиф этган. Аёлнинг болаларига оталик қилишини айтиб, "Шаҳар ҳудудидан квартира топ, пулини ўзим тўлайман", деган.

Ана шу маслаҳат билан Менглинор бир аёлнинг ҳеч ким яшамайдиган уйини ойига 30 минг сўм тўлаш шарти билан ижарага олади. Аммо бу "муҳаббат" узоқ чўзилмади. Бор-йўғи 3 кун давом этди. Менглинорнинг беш ёшли қизи бетоб бўлиб қолди ва қизалоқнинг касаллиги бошлиқ билан ходимнинг ишқий саргузаштларига чек қўйди.

Энди яна масаланинг моҳиятига қайтайлик, бошлиқнинг чорлови билан идорага кириб келган ходим ҳақорат ва ўшқириқларга дуч келди. "Сўкманг, онамни қўшманг", дея раддия билдирди Менглинор. Бошлиқ ундан тезда хонадан чиқиб кетишини талаб қилди ва ўрнидан туриб аёлнинг билагидан тутди. Аёл қаршилик кўрсатди. Бошлиқнинг қўйлаги йиртилди, тугмалари узилди. Аёл қонаган бурнини дастрўмолчаси билан арта-арта Сарманов Пуршанга (жияни) телефон қилиб, тезда етиб келишини ва дўхтирга олиб боришини илтимос қилди.

Судда кўрсатув бераркан, Менглинор дўппосланиш натижасида ҳолсизланиб ўзини билмай қолгани, ўзига келгандан кейин қўл телефони, бир неча доллар пули ва яна бошқа нарсаларни йўқолганини билганини баён этди. Бу нарсаларни қидириш, излаш фойда бермади.

Менглинор шифохонанинг шошилинч ёрдам бўлимидан 2 кундан кейин неврология бўлимига ўтказилди. Жабрланувчи 4 май куни шифохонадан чиқди. Аёл қандайдир андишалар таъсирида бўлиб ўтган бу воқеанинг сабабини, яъни бошлиғи урганлигини дўхтирларга ҳам, онасига ҳам айтишга истиҳола қилди.

Истиҳола. Инсон характеридаги бу хусусият ортида кўп нарса яширин: тортинчоқлик, уят, гап-сўз бўлишидан чўчиш, бировнинг шаъни, кўнгилчанлик, раҳм-шафқат ва ҳоказо. Истиҳола қилган киши юқорида айтганимиздек, ниманидир яширин сақлайди. Аммо суд бундай ҳолат билан чиқиша олмайди. Суд жараёнида ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлиши керак. Шу боисдан ҳам тергов пайтида жабрланувчи истиҳола қилиб ўтирмади. Зоҳид Вафоев билан қандай танишганидан тортиб калтакланиш, даволаниш ва бошқа ҳолатларгача айтиб берди.

Ўзининг сохта агент эканини Менглинор анча кеч билди. Жанжал пайтида бошлиқ унга қараб:

— Сен приказдамассан, гувоҳномангни топшир! — дея ўшқирди.

— Приказда бўлмасам нега гувоҳнома бердингиз? — сўради Менглинор.

— Хонадан чиқ, йўқол, ходимлар олдида мени шарманда қилма! — деган жавоб бўлди.

— Мен ҳам ходимман. Суғурта агентиман.

— Сен сохта агентсан!

Юқорида айтиб ўтганимиздек. Зоҳид Вафоев ўзининг бу қилмиши учун судда жавоб берди ва қонун доирасида жазосини олди.

*Жанубий Корея Республикасида ишлаб, пул топиб келиш ниятида юрган Акбар Аҳмедов Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигига ҳужжат топширган, ишга чақирув келишини кутиб юрган эди.*

# Оддий фирибгар

Фурқат РАСУЛОВ,
Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Қиш кунларининг бирида, аниқроғи, 2011 йилнинг 17 январь куни А.Аҳмедов пойтахтимизнинг Қамарнисо номли кўчасида жойлашган, агентликка қарашли "Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишидан олдин мослаштириш ва ўқитиш маркази" олдида Анасхон Каримов деган йигит билан танишиб қолади.

Анасхон ҳам наманганлик экан, тезда танишиб олишади.

— Кореяда ишлаб келиш ҳаракатида экансиз, тўғри қиласиз. Менинг акам ҳам ўша ёқда ишлаб юрибди. Сиз ҳам бориб олсангиз, икки-уч йилда шароитингизни тўғрилаб оласиз, — деди Анасхон.

— Насиб бўлса. Мана, шунинг ҳаракатида юрибмиз-да, — деди Акбар хайрихоҳлик билан.

— Аммо-лекин, кетиш осонмас. Ҳамма гап таниш-билишда, — унинг гапини илиб кетди Анасхон, — таниш топиб, пулини берсангиз, тезроқ жўнаб кетасиз.

Акбар унинг гапларидан сўнг иккиланиб қолди. Буни кўрган Анасхон баттар авжига чиқди.

— Ўз акамдан мисол. Мана шу агентликдан зўр таниш топувди, қисқа муддатда кетишига ёрдам беришди. Истасангиз, ўша одам билан гаплашиб беришим мумкин.

— Танишингиз кўп сўрамайдими? — сўради Акбар.

— Э, қизиқ гапларни айтасиз-а, ошна. Қанча берганингиздаям, куймайсиз. Кореяда у пулни бир ойда топасиз. Асосийси, бориб олиш. Ундан кейин, қанақа ишга боришингиз ҳам буларга боғлиқ. У ёқда акам сизга ёрдам бериб юради. Ҳар қалай, у томонларнинг паст-баландини билиб қолган-да.

Хуллас, Анасхон ўзининг бор фириб санъатини ишга солиб Акбарни аврай бошлади. Охир-оқибат Акбар 1900 АҚШ доллари берадиган, Анасхон эса таниши орқали уни Жанубий Кореяга жўнаб кетишига ёрдам берадиган бўлди.

Аммо Акбар деганимиз ҳам анойи йигитлардан эмас экан. Обдон ўйлаб кўрди. Ахир ҳозирги пайтда ҳар қадамда фирибгарга дуч келиш мумкин. Анасхоннинг гаплари эса фирибгарликдан далолат бериб турибди. Бунинг устига Анасхон унга тез-тез телефон қилиб, "пулни тезлаштириш кераклигини" такрорлаётгани унинг шубҳасини баттар оширди.

А.Аҳмедов тезда бир тўхтамга келди: шу куннинг ўзидаёқ Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Унинг аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилиб, А.Каримов А.Аҳмедовдан фирибгарлик йўли билан 1900 АҚШ долларини олган вақтида қўлга олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, судга оширилди.

Судда А.Каримов Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигида ҳеч қандай таниши йўқлигини, бу гапни шунчаки А.Акбаровнинг ишончига кириш ва фирибгарлик билан унинг пулларини ўзлаштириш учун айтганини тан олди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан Анасхон Каримов тегишли жазосини олди.

Агар А.Аҳмедов хушёрлик билан тўғри қарор қилмаганида, ўзи ва ўзи каби хорижда қонуний йўл билан ишлаш ниятида юрган йигитларнинг яна қанчаси фирибгар А.Каримовнинг тузоғига тушиши мумкин эди.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сонли, 1995 йил 11 апрелдаги 126-сонли, 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 26 январда 119-сон билан рўйхатга олинган "Фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ер участкаларини ким ошди савдосида сотиш тўғрисида"ги вақтинчалик Низом, Наманган туман ҳокимининг 2011 йил 24 майдаги 303-сонли қарори, Янгикўрғон туман ҳокимининг 2011 йил 2 июлдаги 412-қарори ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 9 сентябрдаги 52/ас-ер-сонли, 2011 йил 19 сентябрдаги 53/ас-ер-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларга чиқарилмоқда:

1. Наманган вилояти, Наманган тумани, Тошбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини Дашт маҳалласи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун, ҳар бирининг ҳажми 0,5 Га. дан иборат, (12, 27, 32, 62, 83, 97, 105, 116, 120, 122, 126, 130, 133, 139, 152, 154, 165, 170, 174, 179, 180, 190, 193, 194, 203, 205, 212, 217, 218, 227, 230, 232-сонли) 32 та ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 500 000 сўмдан.**

2. Янгикўрғон тумани, Наврўзабод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун, ҳар бирининг ҳажми 0,4 Га. дан иборат, (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33-сонли) 33 та ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 54 720 сўмдан.**

3. Янгикўрғон тумани, Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун, ҳар бирининг ҳажми 0,4 Га. дан иборат, (1, 2, 3, 4-сонли) 4 та ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 54 720 сўмдан.**

4. Янгикўрғон тумани, Шарқ Юлдузи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун, ҳар бирининг ҳажми 0,4 Га. дан иборат, (1, 2, 3, 4, 5, 6-сонли) 6 та ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 54 720 сўмдан.**

**Очиқ аукцион савдолари 2011 йил 2, 9 ноябрь кунлари соат 11:00да "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилоят филиалида ўтказилади.**

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 28 октябрь куни тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Наманган вилоят филиалининг қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000104920609015, МФО: 00223, ИНН: 207122519.

2011 йил 2,9 ноябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 16 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдоларга ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказилган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун "Савдо ташкилотчиси" — "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилоят филиалининг манзили: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: (8369) 226-54-47, 226-27-01. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Шеробод туман ҳокимининг 2011 йил 26 майдаги 279-сонли қарори ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 19 сентябрдаги 50-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:**

1. Шеробод тумани "Сариқамиш" ҚФЙ "Сариқамиш" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12, 13,14,15 ва 16-сонли) 16 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

2. Шеробод тумани "Сариқамиш" ҚФЙ "Сеплон" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1, 2-сонли) 2 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

3. Шеробод тумани "Оққўрғон" ҚФЙ "Оқтепа" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5, 6,7,8,9,10,11,12, 13,14,15 ва 16-сонли) 16 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

4. Шеробод тумани "Оққўрғон" ҚФЙ "Истиқбол" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12, 13,14,15 ва 16-сонли) 16 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

5. Шеробод тумани "Таллашқон" ҚФЙ "Пахтаобод" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12, 13,14,15,16,17,18,19,20, 21,22,23,24,25 ва 26-сонли) 26 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдап.**

6. Шеробод тумани "Чинобод" ҚФЙ "Меҳнатобод" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5,6,7,8, 9,10,11 ва 12-сонли) 12 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

7. Шеробод тумани "Ёшлик" ва "Ғалаба" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5 ва 6-сонли) 6 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

8. Шеробод туман "Бўстон" ҚФЙ "Айинни" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5,6,7 ва 8-сонли) 8 дона ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўмдан.**

Очиқ аукцион савдолари 201! йил 31 октябрь куни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади.

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 27 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг қуйидаги АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000204920609017, МФО 00336, СИТР 207122519,

2011 йил 31 октябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 8, 15, 22 ва 29 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)-дан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун "Савдо ташкилотчиси" — ""Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг манзили: Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, 2-қават.

Тел: (8-376) 227-57-94. **rieltsavdo@inbox.uz.**

**Лицензия RR-0001.**

## "CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**I. МЧЖ "CAPITAL REALTOR GROUP" Qashqadaryo filiali** томонидан бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига умрбод мерос қилиб қолдириш шарти билан, якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳар бири 0,06 га. иборат булган қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Деҳқонобод тумани, "Қорашина" ҚФЙга қарашли Етимқудуқ қишлоғи ҳудудидан 1-52-сонли жами 52 та ҳамда Деҳқонобод тумани, "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги, Бешбулоқ қишлоғи ҳудудидан 1-77-сонли жами 77 ер майдонлари. **Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси — 200 000 (икки юз минг) сўм.**

2. Деҳқонобод тумани, "Қорашина" аҳоли пункти ҳудудидан 130-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 300 000 (уч юз минг) сўм.**

3. Деҳқонобод тумани, "Оқработ" ширкат хўжалиги Янгиқишлоқ қишлоғи ҳудудидаги 1-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 300 000 (уч юз минг) сўм.**

4. Деҳқонобод тумани, "Оқработ" ширкат хўжалиги "Қорашина" участкасидаги захира ер майдонидаги жами 3 та 40, 103 ва 111-сонли ер майдонлари. **Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси — 200 000 (икки юз минг) сўм.**

Аукцион савдоси 2011 йил 28 октябрь куни соат 11:00 да Деҳқонобод тумани, "Қорашина" аҳоли пунктида жойлашган "Агробизнес ва транспорт" коллежининг мажлислар залида ўтказилади.

**II. МЧЖ "CAPITAL REALTOR GROUP" Qashqadaryo filiali** томонидан 2011 йил 1 ноябрь куни соат 11:00 да Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 3 уй, Вилоят Давлат мулки бошқармасининг мажлислар залида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. Қамаши тумани "Самарқанд" МФЙ ҳудудининг 677-контуридаги 1-70-сонли жами 70 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонинг бошланғич баҳоси — 300 000 (уч юз минг) сўм

2. Нишон тумани "Ширинобод" ҚФЙ Ширинобод қишлоғи ҳудудидан 8 та 1-8-сонли, "А.Қодирий" номли МФЙ Гулистон қишлоғи ҳудудидан жами 6 та 1-6-сонли, "Каптарли" МФЙ Гулистон қишлоғи ҳудудидан жами 28 та 1-28-сонли, "Гулистон" МФЙ Навбаҳор қишлоғи ҳудудидан жами 10 та 5-15-сонли, "Самарқанд" МФЙ Меҳнатобод қишлоғи ҳудудидан жами 6 та 1-6-сонли, "Ойдин" ҚФЙ Ойдин қишлоғи ҳудудидан жами 40 та 1-40-сонли ер майдонлари. **Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси — 100 000 (бир юз минг) сўм.**

3. Нишон тумани Янги Нишон шаҳар ҳудудидан 15-сонли, "Нуристон" ШФЙ жами 3 та 3, 4 ва 51-сонли, Талимаржон шаҳар ҳудудидан жами 2 та 1 ва 11-сонли ер майдонлари. **Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси — 200 000 (икки юз минг) сўм.**

Очиқ аукцион савдоларига қўйиладиган ер майдонлари қуйидаги шарт асосида савдоларга чиқарилади:

☑ Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат тўғрисида келишувига асосан ўзларига тегишли бўлган пластик карточка ёки омонат дафтарчалари орқали объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулини "Capital Realtor Group" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги 20208000204927571003 ҳисоб рақамига СТИР: 207126662, МФО: 01018 тўлашлари шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ҳар бир савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

☑ Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижаси тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, яъни 20 (йигирма) календарь кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномаси имзолаши керак.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган ер майдонлари бўйича такрорий аукцион савдолари 2011 йил 8, 15 ва 22 ноябрь кунлари ўтказилади.

☑ Талабгорлар аукцион ташкилотчисига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

☑ Ер майдонини сотиб олиш учун ариза, закалат пули тўғрисидаги келишув битими, савдо ташкилот-чисининг ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаганликларини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

☑ Жисмоний шахслар — фуқаролик паспортининг нусхаси, савдода ишончли вакил иштирок этганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

☑ Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш реклама газетада чоп этилган кундан бошлаб иш кунлари соат 9:00 дан ва 18:00 га қадар қабул қилинади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:** Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кучаси, 3-уй. Тел/факс: (8375) 221-52-73.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Хоразм вилоят филиали Давлат мулк қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари очиқ аукцион савдосини ташкил қилмоқда:

Хонқа тумани "Навхос" қишлоғи ҳудудида жойлашган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21-сонли ер майдонлари. Ҳар бир ер майдонининг юзаси 600 кв.метр. (Шундан 400 кв.метргача якка тартибда уй-жой қуриш учун ва қолган қисмида деҳқон хўжалиги юритиш учун). **Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 650 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2011 йил 31 октябрь куни соат 11:00да "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Хоразм вилоят филиалида ўтказилади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги ер майдонлари 2011 йилнинг 31 октябрь куни очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотиш юзасидан такрорий очиқ аукцион савдолари 2011 йил 7, 14 ва 17 ноябрь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини КМСХнинг Хоразм вилояти АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000004920609036, МФО: 00580, ИНН: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефонлар: 8 (362) 226-43-64, 226-32-63. Лицензия: RR-0001.

ASAKA BANK

# «Асака» банк (ОАЖ) жамоаси







«Асака» банк жамоаси 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан масъулиятли касб эгаларини чин қалбдан табриклайди. Юртимизнинг барча муаллим ва мураббийларига Ватанимизнинг муносиб ворисларини тарбиялашдек машаққатли фаолиятларида улкан зафарлар ёр бўлсин!


RESPULIKA MULK MARKAZI RMM

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 июндаги 403-ф-сонли фармойиши ҳамда "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ акциядорларининг 2011 йил 19 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖнинг номи "Respublika mulk markazi" YoAJга ўзгартирилди.

Мазкур ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган жамиятнинг Устави Олмазор туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 23 сентябрь куни давлат рўйхатига олинди. Шунингдек, жамият қайта рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида 006231-сонли гувоҳнома берилди.

Ушбу Уставга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 июндаги 403-ф-сонли фармойишига мувофиқ жамиятнинг асосий фаолият тури сифатида хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа мол-мулкларнинг аукцион, танлов, оферта ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа савдоларни ташкил этиш белгиланганлигини билдирамиз.

**"Respublika mulk markazi" YoAJ Бошқаруви**

## "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ тизимида 2011 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган аукцион савдолари натижалари

| № | Объектнинг номи | Жойлашган жойи | Савдо бўлиб ўтган сана | Бошлангич баҳоси (минг сўм) | Сотилиш баҳоси (минг сўм) | Динамикаси (▲–ўсиш) (▼–пасайиш) | Бошлангич ва сотилиш баҳоларининг ўртасидаги фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | минг сўм | % |
| | **Давлат объектлари** | | | | | | | |
| | **Тошкент шаҳар** | | | | | | | |
| | **Ер участкалари** | | | | | | | |
| 1 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 2 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 3 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 4 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 5 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 6 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 7 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 8 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 9 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 10 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 11 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 11 832,00 | 13 800,0 | ▲ | 1 968 | 16,6 |
| 12 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 8 874,00 | 10 350,0 | ▲ | 1 476 | 16,6 |
| 13 | Якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкасткасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси ҳудудида жойлашган | 05.09.2011й | 5 028,00 | 5 880,0 | ▲ | 852 | 16,9 |

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, СВОЖЖЛҚК Департаменти жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази прокуратура фахрийси **Абдуллатив АБДУЛМАЖИТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда «Huquq» газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят таржимон-муҳаррири **Йўлдош ПАРДАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Huquq» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Исроил Иброҳимовга волидаи муҳтарамаси **Ҳамидахон ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бўлим катта прокурори Муҳайё Ашуровага падари бузруквори **Атҳам ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.


**Huquq**
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
*Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-2803. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi : O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.